БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 97

25 ИЮНЬ ЖУМА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкасида (1-нчи бет).

А. Левшин. — Саноат корхоналари ва транспортнинг биртекисда ишлашини та'минлайлик (2-нчи бет).

М. Хайруллаев, Н. Тиллабоева. — Янги муваффақиятлар сари (2-нчи бет).

Район газеталари саҳифаларидан (2-нчи бет).

Ф. Т. Константинов. — Европа халқ демократияси мамлакатларининг раҳбар ва етакчи кучи (2-нчи бет).

Ғўзани намунали парвариш қилиб, мўл ҳосил учун пухта замин яратайлик! М. Сариқулов. — Илғор бригадада ғўза кўсаклади. **Қ. Ҳикматов.** — Мусобақадошлар аниқлаган камчиликлар тугатилиши керак (3-нчи бет).

Юсуфжон Ҳамдам. — Меҳнат завқи (3-нчи бет).

С. Маҳкамов. — МТС директори Боймуҳамедовнинг найрангбозлиги (3-нчи бет).

А. Сафаев. — Ўзбек орфографиясининг ба'зи муҳим масалалари тўғрисида (3-нчи бет).

Гватемаладаги воқиаларга доир (4-нчи бет).

В. П. Шчеглов. — 1954 йил 30 июньда Қуёш тутилади (4-нчи бет).

Корея бирлашган ватан фронти Марказий комитетининг корейс халқига мурожаати (4-нчи бет).

Ҳиндистон жамоатчилиги Америка ёрдамини олишга қарши чиқмоқда (4-нчи бет).

Пропагандист кадрларни қунт блан тарбиялайлик

Пропагандист кадрлар танлаш, уларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Пропагандист кадрлар коммунистларнинг сиёсий билим даражасини, марксча-ленинча онглилигини оширишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам берадилар. Энг яхши, малакали пропагандист коммунистларнинг сиёсий онгини оширишда жуда катта та'сир кўрсатаолади.

Коммунизм қурилишининг жуда кўп, хилма-хил соҳаларида ишловчи кадрларимиз бор. Улар хўжалик ва маданий қурилишнинг муҳим соҳаларига раҳбарлик қилмоқдалар, партия ва ҳукуматимиз қарорларини амалга ошириш учун кураш олиб бормоқдалар. Коммунистик қурилишимиз олдида турган муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш кадрларимизнинг сиёсий онглилигига боғлиқдир. Чунки марксча-ленинча онглилиги бўлган, ўз устида тинмай ишлайдиган кишиларгина партиямиз, халқимиз талабларига лойиқ бўладилар, хўжалик ва маданий қурилишимизга тўғри раҳбарлик қилаоладилар. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия кадрларимизни марксизм-ленинизмнинг голиб, революцион та'лимоти блан тинмай қуроллантирмоқда.

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йили муваффақиятли якунланди. Сиёсий мактаб ва тўгаракларда партия ўқувини олиб бориш тажрибаси шуни кўрсатдики, машғулотларнинг юксак савияда ўтиши кўп жиҳатдан пропагандист кадрларга боғлиқдир. Сиёсий жиҳатдан тайёргарлиги бўлган, ўз устида тинмай ишлайдиган, пропаганда ишларини ҳозирги кунининг вазифалари блан қўшиб олиб борган пропагандистлар партия маорифи шохобчаларида машғулотларнинг яхши ташкил этилишига эришдилар. Бундай пропагандистлар раҳбарлик қилган сиёсий мактаб ва тўгаракларда ўқув йили муваффақиятли якунланди.

Партия ташкилотларининг вазифаси — пропагандист кадрларни қунт блан тарбиялашдан, пропагандистлик ишига партиямиз сиёсатини ҳартомонлама чуқур тушунадиган, уни ҳаёт блан маҳкам боғлаб олиб бораоладиган кишиларни жалб этишдан иборат. Партия ташкилотлари ҳарбир пропагандист тўғрисида, унинг сиёсий билим даражасини, малакасини ошириш ҳақида систематик равишда ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ба'зибир партия ташкилотлари пропагандист кадрлар танлаш, уларни тарбиялаш масаласига ҳалигача иккинчи даражали вазифа деб қараб келмоқдалар. Улар пропагандистлик қилиш ишига лаёқатсиз, сиёсий тайёргарлиги бўлмаган кишиларни ҳам сиёсий мактаб ва тўгаракларга пропагандист қилиб тайинлаганлар. Бундай фактлар, масалан, Бўка, Мирзачўл район партия комитетларининг иш практикасида рўй берган.

Район ва шаҳар партия комитетлари бу каби нотўғри практикага бутунлай чек қўйиб, пропагандистликка сиёсий мактаб ва тўгаракларда тингловчиларни марксизм-ленинизм назарияси блан чуқур қуроллантиришга қодир бўлган, марксизм-ленинизм назариясини ижодий равишда, турмуш блан боғлаб олиб бораоладиган кишиларни жалб этишлари керак.

Шу кунларда Ўзбекистон КП область комитети ҳузурида сиёсий мактаб ва тўгарак раҳбарлари учун ташкил этилган пропагандистларнинг бир ойлик курси давом этмоқда. Курсда партия ва комсомол маорифи соҳасида ишлаётган 330 пропагандист қатнашмоқда, машғулотлар КПСС Марказий Комитетининг бир ойлик пропагандистлар курслари учун мўлжалланган ягона ўқиш программаси асосида олиб борилмоқда. Курсда қатнашаётган пропагандистлар марксизм-ленинизм назарияси, партиямиз тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа, қишлоқ хўжалиги, халқаро муносабатлар юзасидан ва бошқа темаларда лекциялар тингламоқдалар. Лекция ўқиш учун республиканинг отоқли олимлари, мутахассислар жалб этилган.

Аммо шуни ҳам кўрсатиб ўтиш зарурки, ба'зибир район партия комитетлари курсга пропагандистлар танлаш ишига ўтакетган бепарволик блан қарадилар. Оққўрғон район партия комитети ва унинг секретари ўртоқ Яригин курсга пропагандистларни ўз вақтида юбориш тўғрисида илгаридан огоҳлантирилганлигига қарамай, уларни кечикиб юборган. Шунингдек Гулистон, Қуйичирчиқ район партия комитетлари ҳам курсга пропагандистларни белгиланган нормадан кам юборганлар. Пропагандист кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишига бепарво қараш қайфиятлари қат'ий қораланиши керак.

Пропагандист кадрларни танлаш ва тарбиялаш, пропагандистлар курси ишини намунали уюштириш, ўқилаётган лекцияларнинг юксак савияда ўтишини та'минлаш — пропагандист кадрлар тайёрлашнинг муҳим шартларидан биридир. Марксизм-ленинизм назариясининг буюк ижодий ва ўзгартирувчилик ролини тушунтириб бериш, партиямизнинг шонли тарихи ва назариясини, жамиятимиз об'ектив иқтисодий қонунларига асосланган сиёсатини ҳартарафлама баён этиб бериш лекторларнинг диққат марказида туриши керак.

Коммунистик партия совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучидир. Унинг сиёсати жамиятимиз ҳаётий негизини ташкил этади. Лекцияларда бу ҳақиқатни алоҳида, жонли фактлар блан тушунтириб бериш, партия, ҳукумат ва халқ бирлиги — социалистик тузумимиз кучқудратининг асоси эканлигини кенг пропаганда қилиш керак.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар. Халқ бахт-саодати ва фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партиямиз учун олий қонундир. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари меҳнаткашларнинг доимо ўсиб бораётган юксак талабларини қондириш тадбирларини белгилади. Пропагандистлар учун ўқилаётган лекцияларда бу муҳим тадбирларнинг аҳамиятини тушунтириб бериш зарур, токи улар меҳнаткашлар ўртасида иш олиб борган вақтларида тингловчиларга тўғри ва аниқ тушунча берабилсинлар.

Мамлакатимизда социализм ғалабаси натижасида ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланиб, янада қудратли кучга айланди, социалистик давлатимиз куч-қудратининг асоси бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари, бу қарорларда белгиланган қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тадбирлари ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлайди. Лекцияларда пропагандистларга бу иттифоқ ва унинг коммунистик қурилишимиз вазифаларини бажаришдаги ролини ҳартомонлама тушунтириб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, уларга СССР халқларининг ма'навий-сиёсий бирлиги, халқлар дўстлиги ва совет ватанпарварлиги жамиятни ҳаракатга келтируччи қудратли кучлар эканлигини далиллар блан кўрсатиб бериш керак.

Пропагандистлар курсида лекцияларни ижодий равишда, ҳаёт блан боғланган ҳолда олиб бориш, догматизмга, қироатхонликка, цитатабозликка йўл қўймаслик — асосий вазифадир. Лекцияларнинг жонли ва қизиқарли ўтиши учун ҳарбир тема юзасидан лекция ўқилган вақтда ёки семинар ўтказилганда уни коммунистик қурилишимиз олдида турган конкрет вазифалар блан, республикамиз, областимиз ҳаёти блан маҳкам боғлаб олиб бориш керак. Пропагандистлар курсида машғулотларнинг қандай ўтказилаётганлигини, лекцияларнинг савиясини, семинарларнинг уюштирилишини систематик равишда контроль қилиб бориш зарур.

Партия комитетлари ёз вақтларида пропагандист кадрлар, консультантлар танлаш, тарбиялаш ишини яхши уюштириб бериш, партиямизнинг шонли тарихи ва назариясини, жамиятимиз об'ектив иқтисодий қонунларига асосланган сиёсатини ҳартарафлама баён этиб бериш лекторларнинг диққат марказида туриши керак.

Коммунистик партия совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучидир. Унинг сиёсати жамиятимиз ҳаётий негизини ташкил этади. Лекцияларда бу ҳақиқатни алоҳида, жонли фактлар блан тушунтириб бериш, партия, ҳукумат ва халқ бирлиги — социалистик тузумимиз кучқудратининг асоси эканлигини кенг пропаганда қилиш керак.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар. Халқ бахт-саодати ва фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партиямиз учун олий қонундир. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари меҳнаткашларнинг доимо ўсиб бораётган юксак талабларини қондириш тадбирларини белгилади. Пропагандистлар учун ўқилаётган лекцияларда бу муҳим тадбирларнинг аҳамиятини тушунтириб бериш зарур, токи улар меҳнаткашлар ўртасида иш олиб борган вақтларида тингловчиларга тўғри ва аниқ тушунча берабилсинлар.

Мамлакатимизда социализм ғалабаси натижасида ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланиб, янада қудратли кучга айланди, социалистик давлатимиз куч-қудратининг асоси бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари, бу қарорларда белгиланган қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тадбирлари ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлайди. Лекцияларда пропагандистларга бу иттифоқ ва унинг коммунистик қурилишимиз вазифаларини бажаришдаги ролини ҳартомонлама тушунтириб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, уларга СССР халқларининг ма'навий-сиёсий бирлиги, халқлар дўстлиги ва совет ватанпарварлиги жамиятни ҳаракатга келтируччи қудратли кучлар эканлигини далиллар блан кўрсатиб бериш керак.

Пропагандистлар курсида лекцияларни ижодий равишда, ҳаёт блан боғланган ҳолда олиб бориш, догматизмга, қироатхонликка, цитатабозликка йўл қўймаслик — асосий вазифадир. Лекцияларнинг жонли ва қизиқарли ўтиши учун ҳарбир тема юзасидан лекция ўқилган вақтда ёки семинар ўтказилганда уни коммунистик қурилишимиз олдида турган конкрет вазифалар блан, республикамиз, областимиз ҳаёти блан маҳкам боғлаб олиб бориш керак. Пропагандистлар курсида машғулотларнинг қандай ўтказилаётганлигини, лекцияларнинг савиясини, семинарларнинг уюштирилишини систематик равишда контроль қилиб бориш зарур.

Партия комитетлари ёз вақтларида пропагандист кадрлар, консультантлар танлаш, тарбиялаш ишини яхши уюштириб бериш, блан бирга янги ўқув йилида партия маорифи шохобчаларида машғулотларни уюшқоқлик блан бошлаб юбориш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриб боришлари керак.

Пропагандист кадрларни қунт ва зўр э'тибор блан тарбиялайлик, партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилини уюшқоқлик блан бошлаб юбориш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрайлик!

Бешинчи бешйилликнинг янги қурилишлари учун

ЧИРЧИҚ, 24 июнь. (ЎзТАГ). Чирчиқдаги «Электрошчит» заводида бешинчи бешйиллик янги қурилишларининг заказларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа борган сари кучайиб кетмоқда.

Ангара ГЭСи ва Сибирь ҳамда Олтойдаги теплостанцияларини қуручиларининг закази бўйича таҳсимлаш щчитлари, комплект ва таҳсимлаш ускуналари муддатидан илгари тайёрлаб берилди.

Кеча «Электрошчит» заводи Новосибирськ ва Каховка ГЭСлари қурилишига кўпгина ускуналар жўнатди. Горький ГЭСи қурилишига, Молдавияга, Олмаотага ва бошқа қардош республикаларга ҳам кўпгина электр ускуналари жўнатилди.

Мусобақа кенгаймоқда

Оҳангарон шахтёрлари москвалилар ташаббусига қўшилиб, меҳнат унумини ошириш учун фидокорлик блан ишламоқдалар. Кўмир разрезининг ҳамма участкаларида мамлакатга кўплаб ёқилғи бериш учун бошланиб кетган социалистик мусобақа шу кунларда тобора кенг қулоч ёймоқда.

Разрезнинг биринчи участкасида ишловчи ЧКД—4 экскаватор экипажи меҳнат унумини оширишда яхши кўрсаткичларга эришиб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Машинистлардан Амиров, Давляшев ва Холйигитов ўртоқлардан иборат бу экипажнинг ҳар уччала сменаси социалистик мусобақа асосида ишлаб, ойлик топшириқни муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари темир йўл транспортига уч эшелондан ортиқ кўмир ортдилар.

Шунингдек, разрезнинг иккинчи участкасида хизмат қилаётган «Уралец» — 582 экскаваторининг Алиқулов, Гриднев ва Аблямитов ўртоқлардан иборат экипажи ҳам юқори унум блан ишламоқда. Бу экипаж а'золари ҳар куни ишлабчиқариш графигида кўрсатилганидан ортиқ кўмир чиқармоқдалар.

Е. ГОДОВИКОВ.

Кўп болали оналар мукофотланди

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Президиуми номидан меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитетининг тақдимига мувофиқ кўп болали оналардан 5—9 бола туққан ва тарбиялаб ўстирган 612 онани ССР Иттифоқи орденлари ва медальлари блан мукофотлади.

96 она I, II ва III-нчи даражали «Оналик Шуҳрати» орденлари блан ҳамда 516 она I ва II-нчи даражали «Оналик медали» медальлари блан мукофотланди. (ЎзТАГ).

Совет Иттифоқида

АРМИЯ ВА ФЛОТ ШАХСИЙ СОСТАВИ УСТИДАН МАДАНИЙ ОТАЛИҚ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ЯНГИ ҚОИДА

Армия, флот ва СССР Ички ишлар министрлиги қўшинларининг шахсий состави устидан маданий оталик қилиш тўғрисидаги янги қоида маданият ходимлари касаба союзи Марказий комитетининг президиуми томонидан тасдиқланди.

Шу қоидада айтилишича, сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи Бутуниттифоқ жамияти, СССР Совет ёзучилари союзи, СССР Совет композиторлари союзи, СССР Совет рассомлари союзи, илмий муассасалар, ўқув юртлари Қуролли Кучлар устидан оталик ишларини бажаришда сан'ат ходимлари блан биргаликда қатнашадилар.

Ёзучилар, журналистлар, кутубхоналарнинг ходимлари ҳарбий маданий-оқартув муассасаларининг ишларида китобхонларнинг конференцияларини ўтказишда, адабий кечалар ўтказишда иштирок қиладилар, шунингдек армия ва флотнинг ёш адабиётчиларига амалий ёрдам кўрсатадилар.

Маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари солдатлар, сержантлар ва старшиналарни музейларга, бадиий галлереяларга, виставкаларга, экскурсияларга олиб борадилар.

Маданият ходимлари касаба союзининг маданий оталик ишида яхши натижаларга эришган область, ўлка ва республика комитетлари учун СССР Маданият министрлигининг, СССР Мудофаа министрлигининг, СССР Ички ишлар министрлигининг, Олий мактаблар министрлигининг ҳамда маданият ходимлари касаба союзи Марказий комитетининг кўчма мукофотлари ва Қизил байроқлари та'сис этилди.

Маданият ходимлари касаба союзи Марказий комитети ҳузурида СССР Қуролли Кучлари устидан оталик қилиш бўйича Марказий комиссия тузилди. (ТАСС).

ҚУРИҚ ЕРЛАРДА МТСЛАР ҚУРИЛМОҚДА

КУСТАНАЙ, 23 июнь. (ТАСС). Қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган районларда машина-трактор станциялари қуриш авж олиб кетди. Бирқанча МТСлар саноат корхоналари қурмоқдалар.

Надеждинский МТСнинг қурилишида металл конструкциялар, темир бетон плиталар, харилар Кустанайда тайёрланиб, тайёр ҳолда олиб келинади ва шу ҳолда ишлатилади.

Бошқа МТСлар ҳам қурилиш ишларини муваффақиятли олиб бормоқдалар. Улар маҳаллий материаллардан — ғишт, тош, қамишдан кенг фойдаланмоқдалар. Темир йўлларга яқин жойлардаги МТСлар бинолар қуришда шлакдан фойдаланмоқдалар.

Бу йил область МТСларида капитал қурилиш ҳажми 14 баравар кўпайтирилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАКАЗЛАРИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛМОҚДА

ЛЕНИНГРАД, 22 июнь. (ТАСС). Кеча Куйбишев номидаги карбюратор заводи Олтой ўлкасига, Киров областига, Латвия ССРга ва бошқа жойларга карбюраторлар ва арматуралар — «ДТ—54», «Универсал», «С—80» тракторларига запас қисмлар юборди. Шу материалларнинг ҳаммаси муддатидан бир ой олдин жўнатилди.

Бу йил завод коллективи янги ерларни ўзлаштиришда ишлаётган қувватли «С—80» тракторлари учун карбюраторлар чиқаришни 20 процент кўпайтирди. Корхона маҳсулот чиқаришни кўпайтирмоқ учун ички резервлардан фойдаланмоқда. Автомат токарлик станоклари янада катта тезликка ўтказилди, бирйўла ишланадиган детальларнинг сони кўпайтирилди. Карбюраторларнинг кўпгина детальлари бостириб қуйиш методи блан тайёрланмоқда.

Завод коллективи илғор технологиядан фойдаланиш туфайли тракторларга запас қисмлар чиқариш ярим йиллик топшириғидан ташқари яна 10 минг карбюратор беришга муваффақ бўлди.

ЖАН ПОЛЬ САРТРНИНГ СССРДА БЎЛИШИГА ДОИР

СССР Совет ёзучилари союзининг таклифи блан мамлакатимизга келган отоқли француз ёзучиси Жан Поль Сартр Совет Иттифоқида бирнеча ҳафта меҳмон бўлиб турди.

Жан Поль Сартр Москванинг ҳушманзара жойлари блан танишди, Ленинградга бориб келди, Ўзбекистонда бўлди.

23 июньда француз ёзучиси матбуот вакилларига қуйидаги баёнотни берди:

— Мен СССРдан кетаётирман, — деди Жан Поль Сартр, — СССР тўғрисида ҳам бўлса ҳам, лекин асосий нарсаларни билиб олдим. Мен ўзлари учун ва ўз болалари учун энг яхши дун'ё яратишга интилиш блан тўлиб-тошган мард ва ўз ишончига саботли кишиларни кўрдим, бундай кишиларга қарши уришиш мумкин эмас, бундай кишилар блан фақат дўст бўлиш мумкин, холос. (ТАСС).

А. П. Чехов яшаган ва ишлаган жойда

«Мен Москвани ниҳоятда севиб қолдим... Мен абадий москвалиман», — деб ёзди А. П. Чехов Таганрог гимназиясида бирга ўқиган ўртоқларидан бирига. Антон Павлович Чехов Москвада бирнеча йил турди. Шаҳарда буюк ёзучининг ҳаёти ва ижоди блан боғлиқ бўлган кўпгина жойлар бор.

А. П. Чехов 1879 йилда Таганрог гимназиясини тамомлаб чиққанидан кейин Москвага келди ва Драчевкада, ҳозирги Трубная кўчасида унинг қариндошлари турар эди, у ҳам шу уйда яшади. Тезорада унинг қариндошлари шу кўчадаги 23-нчи уйга кўчиб чиқдилар. Москва университетининг студенти Антон Чехов ана шу уйда 1880 йилда: «Олим қушнига хат» ва «Дон помешчиғининг хати» номли биринчи ҳикояларини ёзди, унинг бу асари «Стрекоза» нашриётида босилиб чиқди.

1886 йилнинг бошларида Антон Павлович Большая Якиманка кўчасидаги алоҳида уйга кўчиб келди. Бу ерда у ёзучи Григоровичдан чуқур ма'ноли сўзлар ёзилган мактубни олди:

«...Сизнинг чинакам талантингиз бор, — бу талант сизни ёш авлод ёзучиларининг доирасидан анча юқори кўтаради».

А. П. Чехов шу уйнинг биринчи қаватида турди, иккинчи қавати эса катта савдогарларнинг тўйларини ўтказиш учун ижорага берилар эди. Ана шу даврда унинг «Тўй» номли пьесаси бун'ёдга келди.

Садовая-Кудринская кўчасидаги 6-нчи рақамли иккиқаватли қадимги бинони москвалилардан кўп киши яхши билади. Антон Павлович бу уйда тўрт йилдан кўпроқ вақт — 1886 йилнинг кузидан бошлаб та 1890 йил декабрь ойининг охиригача яшади. Антон Павлович ўша даврда «Чўл», «Нохуш воқиа» асарларини, «Иванов» номли машҳур пьесасини ёзди, «Оқшом пайтида» номли тўпламини тайёрлади. Фанлар академияси Чеховга шу тўплами учун Пушкин мукофотини берди. Адабиётчилардан Григорович, Лесков, Короленко, рассом Левитан шу уйга, Антон Павлович олдига келиб турар эдилар. Гениал рус композитори Чайковский ёзучи ҳузурига келиб, унга: «Сизни қизғин ҳурмат қилучидан» деб ёзилган ўз фотографиясини тақдим этди. 1890 йилнинг апрелида Чеховнинг дўстлари ва қариндошлари уни узоқ вақт саёҳатга Сахалинга юбордилар.

Антон Павлович саёҳатдан қайтиб келганидан кейин Малая Дмитровкадаги 29-нчи рақамли кичик бир флигельда жойлашди.

1900 йилда Чехов Ялтадан қайтиб келганидан кейин 11-нчи рақамли уйга кўчди. Антон Павловичнинг уйига режиссерлар К. С. Станиславский, В. И. Немирович-Данченко, отоқли артистлар ва рассомлар келиб турар эдилар. Улуғ рус ёзучиси Лев Николаевич Толстой ҳам унинг уйига келиб турар эди.

МХАТ пардасига ўчиб бораётган чайка сурати туширилган. Бу сурат ана шу машҳур рус театрининг эмблемаси бўлиб колган. А. П. Чехов Москва Бадиий театрининг артистлари тўғ-ладилар. «Олчазор» номли янги пьеса ўқилди, уни саҳнага қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

1904 йил 17 январьда «Олчазор»нинг кўриги бўлди. Постановка А. П. Чехов туғилган кунга тўғри келтирилди, Москва жамоатчилиги унинг туғилган кунини тантанали суратда нишонлади. Антон Павлович бетоб бўлганига қарамай спектаклга келди. Тезорада у даволаниш учун чет элга кетди ва Москвага бошқа қайтиб келмади.

А. П. Чехов вафот этганига 50 йил тўлган кунда Москвада Чехов яшаган ва ишлаган бирқанча биноларда хотира тахталари ўрнатилади. Садовая-Кудринская кўчасидаги 6-нчи уйда улуғ рус ёзучисининг хотирасига бағишланган адабий музей очилади.

Д. ЗАХАРОВ.
ТАСС мухбири.

ҚИНОТЕАТР БИЛЕТЛАРИНИНГ НАРХИ ҚАМАЙТИРИЛАДИ

1954 йил 1 июльдан бошлаб мамлакатнинг ҳамма кинотеатрларида билетларнинг нархи камайтирилади. Билетларнинг нархи шаҳарларда ўрта ҳисоб блан 18 процент, қишлоқ жойларида 20 процент камайтирилади. Шаҳарларда байрам ва умумий дам олиш кунларидан бошқа кунларда бўладиган кундузги киносеансларнинг билетларидан 30 процент чегирма қилинади.

Ёш тамошабинлар учун болаларга атаб ташкил қилинадиган киносеансларнинг билетлари шаҳарларда 1 сўм, қишлоқ жойларида 50 тийин бўлади.

Илмий-оммабоп фильмлар, техника ва хроникал-ҳужжатли фильмларни кўриш учун ҳамма жойда билетларнинг нархи 1 сўм, қишлоқ жойларида шу фильмлардан иборат болаларга бағишланиб ташкил этилган киносеанслар учун билет нархи 50 тийин қилиб белгиланди. (ТАСС).

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош комитетининг комиссияси павильонларни қабул қилиб олишга киришди. «Колхоз правлениеси» павильони биринчи қабул қилинди. Бу павильон томи черепица блан копланган бирқаватлик ёруғ бинодан иборат. Унинг ичкарисида — соддагина қилиб жиҳозланган бешта хона: раис кабинети, бухгалтерия, агроном ва зоотехникнинг кабинети, партия ва комсомол ташкилотларининг хонаси ҳамда маслислар зали бор. Павильонни ҳарбир бригадада олинган ҳосилга қараб тақсимлаш колхозчиларнинг меҳнатига тўғри баҳо бериш имконини туғдиради.

Агрозоотехника ўқуви мунтазам давом этиб туради. Колхозчилардан 78 киши қишлоқ хўжалик мастери унвонини олди.

Бухгалтериянинг ишини, меҳнатни, маҳсулотларни ва пул маблағларини ҳисобга олиш системаси кўрсатилган стендлар жуда қизиқарлидир. Правление ва бухгалтерия маблағ ва буюмларни тежаш ва эҳтиёт қилиб сарфлаш учун доимий кураш олиб бормоқда. Бригадаларга ва колхозчиларга биркитиб қўйилган асбоб-анжомлар учун хизмат муддатлари белгиланган, материаллар нормага қаттиқ риоя қилингани ҳолда сарфланади.

Виставкага келучи кишилар колхознинг ҳужжатлари ва ҳисоб-китоб дафтарлари блан танишаоладилар. Павильонда колхозчилар умумий йиғилишларининг ва правление маслисларининг протоколлари, ревизия комиссиясининг актлари бор. Колхоз раисга, мутахассисларга, ҳисобчи ходимларга, шунингдек партия ва комсомол ташкилотларининг секретарьларига зарур бўлган адабиётлар шкафларга қўйилган.

Колхоз партия ташкилотининг ҳисобида 13 киши бор. Партия ташкилоти колхоз ҳаётининг ҳамма томонлари блан қизиқади. Коммунистлар энг яхши ишлабчиқаручилардир. КПСС а'зоси В. М. Романченкога донли экинлардан юқори ҳосил олганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Партия а'золари оммавий-сиёсий ишларни яхши ташкил қилганлар. Масалан, сўнгги икки йил ичида колхозда 317 та деворий газета чиқарилганлигининг ўзи кўп нарсани кўрсатади. Коммунистлар бошчилик қилаётган социалистик мусобақа колхозга жамоат хўжалигини мустаҳкамлашда янги муваффақиятларга эришишда ёрдам беради.

Комсомоллар — партия ташкилотининг актив ёрдамчиларидирлар. Улар чорвачилик ва далачилик бригадаларида муваффақият блан ишламоқдалар. Ёшларнинг маданий дам олиши яхши таш-кил этилган. Фотографияларда спорт тўгараги, хор, драма ва шахмат-шашка тўгаракларининг машғулотлари кўрсатилган.

... Павильон стендлари кўпгина колхозлар учун правлениенинг ишини тўғри уюштиришда ва бутун хўжаликни бошқаришда конкрет қўлланма бўлади.

(ТАСС).

Москва. Бутуниттифоқ қишлоқ-хўжалик виставкасининг Бош дарвозаси.
Н. Грановский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Саноат корхоналари ва транспортнинг бир текисда ишлашини та'минлайлик

Саноат корхоналари ва темир йўл транспортининг биртекисда ишлаши мамлакат халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эгадир. Илгаридан тасдиқлаб қўйилган график бўйича, бир ме'ёрда ишлаганда корхоналардаги юксак маҳсулотли станоклардан, машиналардан яна ҳам унумлироқ фойдаланиш имконияти яратилади, маблағларнинг оборот даражаси ортади, меҳнат унуми анча ошади, маҳсулот таннархи камаяди. Саноат корхоналарининг бир ме'ёрда ишлаши темир йўл транспорти фаолиятининг узлуксиз хизмат қилиши учун ҳам муҳимдир. Бу эса, ўз навбатида техника воситаларидан ва унинг хизмат қилиш қобилиятидан яхши фойдаланишни талаб қилади. Шунингдек, маҳсулотни аниқ, план асосида ортиб жўнатиш, уни исте'мол пунктларига тез етказиб беришни та'минлайди.

Афсуски, Тошкент область корхоналарида маҳсулотларни тайёрлаш ва жўнатиш соҳасида биртекисликка эришишга кам э'тибор қилинади. Масалан, турли машиналар, машина детальлари, запас қисмлар ва металл буюмлари ишлаб чиқаручи бир группа корхоналар вагонларга юк ортишда графикка асосланмаётирлар. Январь ойининг биринчи декадасида ойлик планнинг фақат 23 процента миқдорида, февраль ойининг биринчи декадасида эса яна ҳам кам — 19 процентгина юк ортиб жўнатилди. Кейинги ойларнинг биринчи декадаларида ҳам юк ортиш графиги бажарилмади.

«Таштекстильмаш» заводи (директори Ўртоқ М. Проскуряков) январьнинг биринчи декадасида ойлик планга нисбатан 5 процентгина юк ортди. Аммо, шу ойнинг охирги декадасида эса 18 марта ортиқ юк жўнатилди. Бундай аҳвол февраль, март ва бошқа ойларда ҳам такрорланди. Бу корхонада май ойининг биринчи декадасида мутлақо юк жўнатилмади. Аммо, шу ойнинг охирги декадасига келиб, ойлик топшириқнинг учдан икки қисми миқдорида юк ортилди. Шу жумладан, охирги уч кун ичида юк ортиш бўйича ойлик топшириқнинг 20 процента бирйўла бажарилди. Корхоналарда одатдаги сингари ойнинг учинчи декадасида машина ва металл буюмлари ортиб жўнатиш биринчи декадагига нисбатан икки марта ва ба'зан уч марта ортиб кетади. Равшанки, саноат корхоналари томонидан машиналарни, запас қисмларни ва металл буюмларни бундай нотекис равишда ортиб жўнатиш фақатгина транспортнинг бир ме'ёрда ишлашини бузибгина қолмай, бу маҳсулотларни олучи фабрика ва заводларнинг планли ишлашига ҳам халал етказади.

«Под'ёмник» заводи металл буюмларни жуда нотекис равишда юклайди. Бу заводда январь ва февраль ойининг иккинчи декадасида юк ортиш бўйича ойлик топшириқнинг фақат ўнучдан бир қисмигина адо этилди. Май ойида эса юк ортишнинг ҳаммаси иккинчи декадага ўтказилди. Бу ўн кунлик ичида қолган икки декададагига қараганда уч марта кўп юк ортилди. «Чирчиксельмаш», газли электросварка заводи ва бир қатор бошқа заводларда ҳам юк ортиш ва маҳсулот жўнатиш ишлари ана шундай аҳволда.

Қишлоқ хўжалик машиналари ҳам шундай нотекис равишда ортиб жўнатилади. Одат бўйича декадалар орасида юк ортишнинг фарқи ҳар ойда 100 вагонга қадар етиб боради. Айниқса, «Чирчиксельмаш» заводи юк ортишнинг бир текислигини бузишда бошқалардан катта фарқ қилади. Бу заводда юк ортиш айрим декадаларда 18 — 19 процентдан ошмайди. Жуда ҳам характерли бир фактни келтирайлик: агар, кўпчилик корхоналар юк ортишни асосан учинчи декадада ўтказсалар, қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводлари, биринчи декадада зўр берадилар, иккинчи ва учинчи декадаларда эса, юклашни сусайтириб юборадилар. Бунинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари бир ме'ёрда ишламайдилар. Улар машиналарни йиғиш ишларини асосан учинчи декадада ва ҳатто ойнинг охирги кунларида ўтказадилар, ана шунинг натижасида ишлаб чиқаришдан маҳсулотларни шу ой ичида юклаб жўнатишга улгураолмайдилар.

Тошкентдаги аравасозлик заводида эса (директори Ўртоқ Мясников) иш ундан ҳам ёмон уюштирилган. Бу завод плансиз ишлаётгани туфайли бир декадада, иккинчи декадагига қараганда 9 — 10 марта ортиқ юк ортади ва келаси декадада эса жўнатиш учун ҳеч нарса тополмайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаручи ба'зибир корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини нотекис равишда жўнатадилар. Масалан, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ўз маҳсулотини апрель ойининг учинчи декадасида биринчи декададагига қараганда уч марта ортиқ, май ойининг иккинчи декадасида эса, биринчи декададагига қараганда икки марта кўп юклаб жўнатган. Янгийўл ёғ заводи ҳам юкни шундай нотекис ортиб жўнатади.

Ишлабчиқаришдаги нотекислик планлаштирилган вагонларни рад этишга, катта штрафлар тўлашга олиб келади. Ўтган йили вагонлардан фойдаланишдан воз кечганлиги учун темир йўл Тошкент бўлими ўз мижозларидан 1.300 минг сўмдан ортиқ штраф ундириб олди. Бу йил ҳам аҳвол яхшиланганги йўқ. Корхоналар юк ортишни нотекис олиб борганлиги туфайли ҳар ойда 50 — 60 минг сўмлаб штраф тўламоқдалар.

Саноат корхоналари раҳбарлари ойнинг бошларида юк ортишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ойнинг охирида эса шошма-шошарлик ва штурмчиликка бериладилар, натижада вагонлар етишмай, юк ортиш плани барбод бўлади ва вагонларга бўлган эҳтиёж ниҳоят даражада ошиб кетади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, областимиз саноат корхоналари раҳбарлари лоақал бир суткалик юк ортиш ишида ҳам бир текисликка э'тибор бермайдилар. Кечқурунги сменада иш сур'ати сусайиб, кундузи эса, иш ҳажми анча ошиб кетади. Натижада бутун сутка бўйи вагонларнинг бўш туриб қолиш ҳоллари кўпаяди.

СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида фабрика, завод, шахта қурилишлар ва темир йўлларда ишни нотекис олиб бориш ҳолларига тез фурсат ичида хотима бериш кўрсатиб ўтилган эди. Бу муҳим вазифани турмушга татбиқ қилиш ва юқоридаги камчиликларни тезда тугатиш Тошкент областидаги барча саноат ва транспорт ходимларининг шарафли вазифасидир.

А. ЛЕВШИН

Темир йўл Тошкент бўлими план секторининг бошлиғи.

Тошкентдаги 1-нчи пойафзал фабрикасининг коллективи социалистик мусобақани кенг қўламда авж олдириб, ёғси пойафзалларнинг сифатини янада яхшилаш учун курашмоқда. **Суратда:** рант қўйиш цехининг контролёри **К. Б. Артемьева** тайёр пойафзалларнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

Р. Исаев фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти колхозчи кутубхонаси сериясида қуйидаги китобларни нашр этди:

В. А. БУРИГИН. — **«Ўзбекистон саҳро яйловларини ўзлаштириш ва яхшилаш усуллари»**, 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

Б. В. ФЕДОРОВ. — **«Тупроқнинг шўрланиши ва ботқоқланишига қарши қандай курашиш керак»**. 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 80 тийин.

Б. П. СТРАУМАЛ. — **«Ғўзанинг янги нав'лари»**. 24 бет, тиражи 25.000, баҳоси 55 тийин.

В. В. ЯХОНТОВ. — **«Ўсимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан сақлаш усуллари»**. 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

Ф. А. СКРЯБИН ва **П. В. ПРОТАСОВ.** — **«Ғўзани тўғри ўғитлаш усуллари»**, 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 65 тийин.

Г. И. АЛЕКСЕЕВА. — **«Қоракўл қўйларини боқиш ва асраш»**. 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

Ф. И. УЧЕВАТКИН, А. А. БОРОДУЛИНА. — **«Ғўзани барглари орқали фосфор билан озиқлантириш»**. 16 бет, тиражи 25.000, баҳоси 40 тийин.

С. Й. ЎЛДОШЕВ. — **«Илғор пахтакорлар тажрибаси»**. 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

С. С. СОДИҚОВ ва **В. Г. ПЕТРОВ.**— **«Колхоз-совхоз уруғчилигида уруғлик чигитнинг сифати ва маҳсулдорлигини ошириш усуллари»**, 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 65 тийин.

М. Г. БАЗАНОВ. — **«Колхоз чорвачилик фермаларида кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш»** 24 бет, тиражи 25.000, баҳоси 60 тийин.

Н. К. АЛЕКСЕЕВА. — **«Қорамолни боқиш ва асраш»** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

В. Л. ГОЛОДКОВСКИЙ. — **«Ўт агротехникаси ва ўтларни машина билан ўриб йиғиб олиш»**. 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

П. В. КАЖИХИН. — **«Пахтачиликни комплекс равишда машиналаштириш»**, 24 бет, тиражи 25.000, баҳоси 60 тийин.

В. Н. ЕРМОХИН. — **«Сабзавот ва полиз экинларидан юқори ҳосил етиштирайлик»**. 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

В. Ф. ШЧУПАКОВСКИЙ. — **«Ўзбекистонда мўл шоли ҳосили етиштириш»**. 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

Район ва шаҳар газеталари саҳифаларидан

ЯНГИЙЎЛНИНГ КЕЛАЖАГИ

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли собиқ Қовунчи қишлоғи таниб бўлмас даражада ўзгарди. Вайрона уй, тор кўчалардан иборат бўлган бу қишлоқ кейинги вақтда республикамизнинг йирик саноат шаҳарларидан бирига айланди. Янгийўл обод ва кўркам бўлмоқда.

Яқинда шаҳар ва район партия комитетларининг органи бўлган **«Новый путь»** газетаси Янгийўлнинг бундан кейинги истиқболлари тўғрисида шаҳар план комиссиясининг раиси Ўртоқ С. Содиқовнинг мақоласини э'лон қилди. Мақола автори бундай деб ёзади:

«Шаҳар аҳолиси 1924 йилга қараганда бирнеча марта кўпайди. Шаҳарнинг экономикаси ва маданияти ҳам ўсди, юксалди.

Ўзбекистон Совет республикаси ташкил этилиши даврида собиқ Қовунчи қишлоғида майда ҳунармандчилик типида фақат икки завод бўлиб, биронта ҳам маданий ташкилотлар йўқ эди. Эндиликда эса шаҳарда ўттизта йирик саноат корхоналари ва ўнлаб маданий ташкилотлар бор».

Авторнинг ёзишича Янгийўл йил сайин ривожланмоқда. Шаҳарни реконструкция қилиш Бош планига асосан яқин йиллар ичида шаҳар Ниёзбоши посёлкасига томон янада кенгаяди, кўп қурилиш ишлари олиб борилади. Шу билан бирга Файзобод ишчилар шаҳарчасининг атрофи ҳам янада кенгайтирилади. Ишчиларнинг маданий дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун бу ерда барча чоралар кўрилмоқда. Маданият ва истироҳат парки ҳамда катта кўл барпо қилинади. Шаҳар атрофида санатория ва дам олиш уйлари ишлайдиган. Яқин йиллар ичида шаҳарда водопровод ва канализация ишга туширилади, уй-жой бинолари қўпайтирилади. Янги бешйилликлар давомида шаҳарда кондитер, мебель фабрикалари, пиво заводи ва бошқа саноат корхоналари қурилади.

Янгийўл тез вақтда республикамизнинг энг гуллаган, саноатлашган, гўзал йирик шаҳарларидан бирига айланади.

СЎЗ ИЛҒОРЛАРГА

Гулистон районида чиқадиган **«Коммунизм учун»** газетасининг редакцияси «Илғорлар минбари» рубрикаси остида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашаётган мусобақа илғорлари ҳақида мунтазам равишда материаллар босиб бормоқда.

Газета ўзининг 44-нчи сонида Андреев номли, Крупская номли, Фрунзе номли, Калинин номли колхозларидаги илғор бригадалар ва новатор колхозчилар ҳақида бирмунча материаллар босиб чиқарди.

«Июнь ойи, — дейди Андреев номли колхознинг ҳар гектардан 65 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган бригада бошлиғи Ўртоқ Мирзаев, — мўл ҳосил етиштиришнинг энг мас'улиятли давридир. Биз шу июнь ойида ғўза парваришини агротехника қоидасига мувофиқ ўз вақтида ўтказишга эришар эканмиз, ўз мўлжалимиздаги ҳосилни етиштиришга муваффақ бўлаоламиз».

Крупская номли колхознинг тажрибакор сувчиси Ўртоқ Насриддинов июнь ойида ғўзани қондириб суғоришнинг аҳамиятини та'кидлаб, бундай дейди:

«Сув қўйишнинг сири йўқ. Фақат эпчиллик ва чидам блан меҳнат қилиш керак, холос. Июнь ойи ғўзаларнинг тез ўсиш давридир. Бу ойда ғўзалар қониб-қониб 2 марталаб сув ичмоги керак. Биз бригадамиздаги ҳамма ғўзаларни сифатли қилиб суғориш мажбуриятини олганмиз. Ана шунинг учун ҳозир кеча-кундуз текис суғоришни қизитиб, ҳар куни 7—8 гектар ерга сув қўймоқдамиз».

КОЛХОЗЧИЛАРГА КИНО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНСИН

Охунбобоев номли колхознинг собиқ раиси Турсунбой Норқулов кино-концертларни кўриш ўрнига доимо буфет, ресторанларда кайф сурар эди. Колхозга келган концерт бригадалари, кинокартиналар Норқуловнинг қайсарлиги блан колхозчиларга кўрсатилмасдан қайтариб юборилади.

Буни билган район раҳбарлари Норқуловнинг саводсизлигини баҳона қилиб, унинг ярамас қилиқларига кўп вақт тоқат қилиб келдилар. Ҳозир колхозга олий ма'лумотли Салиметов раислик қилмоқда. Лекин унинг иш услуби ҳам Норқуловникидан асло фарқ қилмаётир. Салиметов колхозчиларнинг маданий дам олиб, хордиқ чиқаришлари учун мутлақо қамхўрлик қилмаётир. Колхознинг клуб, чойхонаси хўжалик ишларида фойдаланилмоқда.

Мирзачўл район **«Колхоз меҳнати»** газетасининг ёзишича:

«Даладан қайтган колхозчилар кўп вақт маданий дам олиш учун жой тополмай юрадилар. Улар учун кино-картиналар кўрсатилмайди. Колхозчилар кўп вақт кино кўриш учун Мирзачўлга келадилар. Шунга қарамасдан колхоз раиси район маданият бўлими томонидан юборилган кино-картиналарни чойхона биносида колхозчиларга кўрсатиш учун рухсат этмасдан кино қўйочиларни қайтариб, тамошабинларни тарқатиб юборган. Бундай аҳволлар колхоз раиси Ўртоқ Салиметов томонидан системали равишда такрорланмоқда».

Раиснинг қайсарлиги туфайли яқинда «Валерий Чкалов», «Максимнинг ёшлиги» деган кинофильмлар яна қайтариб юборилди. Колхоз раиси Салиметовнинг бундай нотўғри ҳаракатлари ҳақидаги материал район газетасининг шу йил 10 июнь сонида э'лон қилинган эди. Шундан бери район раҳбарлари газетадаги материалдан бехабардек ҳамон жим турибдилар.

Ворошилов номли колхознинг раиси Мирзаев ва бошқа бир қатор колхозларнинг раислари ҳам колхозга борган кино ва концерт бригадаларини қайтариб юбораётганликлари ҳақидаги фактлар Мирзачўл район партия комитетига ончадан бери ма'лум. Лекин район партия комитети ва унинг секретари Ўртоқ Укибоев бу аҳволларга ҳамон тоқат қилиб келмоқда. Умуман Мирзачўлда колхозчиларга кино хизматини яхшилашга аҳамият берилмаётир. Район партия комитети томонидан кўчма кино ва концертлар кўрсатиш юзасидан тузилган графиклар жойларда ойсайин бажарилмаётир.

Мирзачўл район партия комитети матбуот сигналларидан тегишли хулоса чиқариб, колхозчиларга кино хизматини тубдан яхшилаш тадбирларини кўриши керак.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакцияга келган хатларнинг бирида Бекобод шаҳар, Октябрь кўчасидаги 1-нчи ва 2-нчи ошхоналар аҳолига яхши хизмат қилмаётгани, менюлар бир хилда бўлиб, овқат сифатининг пастлиги, санитария қоидаларига риоя қилинмаслиги, официанткалар клиентларга қўпол муомилада бўлиши кўрсатилган эди. Редакция фактларни аниқлаш ва чора кўриш учун хатни шаҳар ижроия комитетига юборган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Бекобод шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ўртоқ Рафиқовнинг ҳабар қилишича, текширишда хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Яқинда шаҳар ижроия комитети ўз мажлисида шаҳар савдо бўлими бошлиғининг умумий овқатланиш ишларини яхшилаш масаласи юзасидан докладини эшитган. 1-нчи ва 2-нчи ошхоналарнинг жуда ёмон ишлагани кўрсатилган ва ишни яхшилаш тадбирлари белгиланган.

Меҳнат унуми ошмоқда

Тошкентдаги мева-консерва заводининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришда катта ютуқларга эришмоқда. Завод июнь ойи топширигини 16 июньда 133,5 процентга етказиб бажарди ва пландан ташқари 25 минг банка мураббо, джем ва компот тайёрлади. Бу ютуқларга эришишда завод рационализаторларининг қимматли таклифлари ҳам катта ёрдам берди. Яқинда заводнинг инженер-техник ходимлари меҳнат унумини ошириш, исрофгарчиликни йўқотиш ва маҳсулотнинг санитария қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда тайёрланиши масалаларига қаратилган 15 таклифни муҳокама қилиб, синовдан ўтказдилар. Бу таклифлар амалга оширилганда 100 минг сўм даромад келтириши аниқланди.

Рационализаторлардан токарь Ўртоқ Д. Гетун банка ювишни автоматлаштириб, меҳнат унумини 10 марта оширишга эришди. Бунга қадар банкалар қўл блан ювилар эди. Слесарь Ўртоқ А. Агеев тайёрланган маҳсулотларни банкаларга жойлашни механизациялаштириб, меҳнат унумини 2 баравар ошириш имкониятини яратди. М. Боер, Гатитуллин Ўртоқларнинг меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақидаги таклифлари яхши натижалар беришлиги ма'лум бўлди. Синовдан ўтказилган бу янгиликлар заводнинг барча бўлимларида кенг қўлланилмоқда.

Рационализаторлар бош инженер Ўртоқ Я. Лейтман блан яқиндан алоқада бўлиб, ўзларининг техник билимларини тобора оширмоқдалар.

Б. ИМОМОВ.

Янги муваффақиятлар сари

Тошкентдаги 1-нчи пахта тозалаш заводининг ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Завод коллективи ишлабчиқариш планини ойма-ойига муддатидан илгари бажариш блан бир қаторда, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришда ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Шу йилнинг биринчи кварталида 824 минг сўмлик хомаш'ё иқтисод қилиниб, бунинг ҳисобига 504 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Заводнинг Мирзарўзиев бошлиқ 3-нчи бригада а'золари 5 ойлик ишлабчиқариш планини 125 процент, Қурбон Сафаров бошлиқ юк ташучилар бригадаси эса, 163 процент адо этдилар.

Заводнинг меҳнатсевар коллективи машиналарнинг бекор туришини камайтириш ҳисобига меҳнат унумини кундан-кунга оширмоқда. Илғор ишчилар ва новаторларнинг рационализаторлик таклифлари асосида машиналарнинг бекор туриши планда курсатилган 7 процентдан 2,6 процентга камайтирилди.

Мана, пахта толасини ажратадиган цех. Биз станоклар олдида, думалоқ арра лаганчалар ўрнатилган валларни кўздан кечираётган ремонт слесари Ўртоқ Решитов блан машиналарнинг бекор туришини камайтириш усуллари тўғрисида суҳбатлашдик. У:

— Биз ҳафтада икки марта қилинадиган профилактик ремонтни сифатли ва пишиқ ишлашимиз натижасида, — деб тушунтирабошлади бизга, — машина ва станокларнинг доимий — бир темпада ишлашини та'мин этдик. Илгари, бир кунда иккита вални олмоштириш учун ҳамма станоклар 40 минут тўхтаб туриши керак эди, чунки, ҳарбир 5 станокда бир мотор ишлар эди. Ҳозир эса 2 та вални олмоштириш учун моторлар фақат 15 минут тўхтайди. Бунга шу йўл блан эришдикки, илгари станоклани тўхтатиб қўйиб валга 90 арра тередиган бўлсак, энди олдиндан тайёрланган янги аррали валларни ўтмас бўлиб қолгаи, эски аррали валлар ўрнига ўрнатишга муваффақ бўлдик.

Ўртоқ Решитовнинг бу сўзларидан кўрониб турибтики, иш вақтидан тўла фойдаланиш, профилактик ремонтни ўз вақтида сифатли қилиб бажариш, машиналарнинг бекор туришини камайтириш меҳнат унумини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга ва унинг таннархини камайтиришга олиб келди. Натижада меҳнат унуми ўтган йилга нисбатан 14,1 процент ошди.

Ҳозирги кунларда завод коллективи Ўзбекистон республикасининг 30 йиллигини янги меҳнат ғалабалари блан кутиб олиш, йиллик планни 20 декабрьгача, ортиғи блан бажариш, пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўплаб хомаш'ё иқтисод қилиш учун курашмоқда.

М. ХАИРУЛЛАЕВ,
Н. ТИЛЛАБОЕВА.

Европа халқ демократияси мамлакатларининг раҳбар ва етакчи кучи

Европа халқ демократик мамлакатларининг меҳнаткашлари кун сайин СССР халқларидан намуна олиб ва уларнинг беғараз ёрдамлари орқасида, янги социалистик ҳаёт учун курашда янада катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бу курашда раҳбар ва етакчи куч бўлиб коммунистик ва ишчи партиялари чиқмоқдалар.

Европа халқ демократик мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари ўз халқларини фашист зулмидан озод қилиш учун, ўз мамлакатларининг уруш вақтида вайрон бўлган хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун, социалистик жамият асосларини қуриш учун қийин ва шонли кураш ҳамда ғалаба йўлини босиб ўтдилар. Бу курашда қардош партиялар ўсдилар ва чиниқдилар, янги типдаги марксча-ленинча оммавий партияга айландилар.

Марказий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларининг фашист зулмидан озод қилиш пайтига келганда, коммунистик партияларида а'золарнинг сони кўп эмас эди, аммо улар, асосан, курашда чиниққан, жангларда синалган, меҳнаткашлар манфаати учун матонатли курашчилардан иборат эди. Бу партиялар, а'золарининг кам бўлишига қарамай, фашистларнинг шафқатсиз террорига қарамай, кенг халқ оммасини гитлерчи босқинчиларга қарши озодлик ва миллий мустақиллик учун курашга кўтароолдилар.

Урушдан кейин халқ демократик мамлакатларининг компартиялари, КПСС тажрибасидан кенг фойдаланиб, унинг ёрдам бериши, қўллаб-қувватлашига суяниб, жуда ҳам ўсдилар мустаҳкамландилар ва чиниқдилар. Масалан, Болгария Коммунистик партиясининг а'золари бир йилдан кам муддат ичида 25 мингдан қариб 400 мингга кўпайди. Бошқа қардош партиялар ҳам 20 — 25 марта ва бундан ҳам кўп ўсдилар. Польша, Венгрия ва Руминия компартияси ўз а'золарининг сонини деярлик миллион кишига етказди.

Халқ демократик мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тажрибасидан фойдаланиб, ўз сафларини душман элементлардан тозалашга қаратилган катта иш қилдилар. Бунда ба'зибир коммунистик ва ишчи партиялари Информацион бюросининг Югославия Коммунистик партиясидаги аҳвол тўғрисидаги резолюцияси жуда муҳим роль ўйнади. Ишчилар ҳаракатида фашизм агентураси бўлган Тито тўдаси фош қилингандан кейин халқ демократик мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партияларида шпионлик ва провакаторлар бандалари — Венгрияда Райк, Болгарияда — Костов, Чехословакияда — Сланский, Польшада — Спихальский, Албанияда — Дзодзе бандалари фош қилинди ва тутатилди. Руминияда — Лука, Польшада — Гомулка ва шу каби ўнг оппортунистлар фош қилиндилар ва партия сафидан ҳайдалдилар.

Европа халқ демократияси мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари ўз сафларини, партия а'зоси номига муносиб бўлмаган тасодифий ва мансабпараст элементлардан тозалаш соҳасида катта ишлар қилдилар.

Янги типдаги марксистик партия тўғрисидаги Ленин та'лимоти, КПССнинг жуда бой тажрибаларидан фойдаланилиши қардош коммунистик партияларга компартияларнинг ташкилий ва идеологик жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлидаги курашни кенг йўллари ва муваффақиятли олиб боришлари учун, бу партияларни ҳаракат ва интизом бирлиги блан жипслашган маслақдош коммунистларнинг жанговар союзига айланишлари учун ёрдам берди. Европа халқ демократик мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партияларга янги а'золар қабул қилиш чекланган ёки ҳатто вақтинча тўхатилган эди. Шу блан бирга партия сафларини тозалаш а'золарни қайтадан рўйхатга олиш, партия ҳужжатларини олмоштириш ишлари олиб борилди.

Европа халқ демократик мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партияларини мустаҳкамлашда раҳбар партия кадрларини идеология жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг В. И. Ленин ва И. В. Сталин асарларини «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни, партиямизнинг муҳим қарорларини ўрганишлари катта роль ўйнади. Қардош партиялар КПССдан намуна олиб, партия маорифининг яхши ташкил қилинган системасига ўтдилар.

Қардош компартиялар а'золари томонидан марксизм-ленинизм ва КПСС нинг тарихий тажрибаларини ўрганиш иши шу партияларнинг амалий вазифалари блан маҳкам боғлаб олиб борилмоқда. Чуқур тарбиявий ишлар олиб борилиши натижасида раҳбар партия кадрларининг сиёсий савияси ва партия а'золарининг онги ошди.

Европа халқ демократияси мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партиялари меҳнаткашлар ўртасида кенг оммавий-сиёсий иш олиб бориб, уларни социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализми руҳида, Совет Иттифоқи блан ва социалистик лагерьдаги барча мамлакатлар блан дўстлик ва ҳамкорлик руҳида тарбияламоқдалар. Меҳнаткашлар оммаси коммунистик ва ишчи партиялари атрофига борган сари мустаҳкамроқ жипслашмоқда; халқ-демократик тузумнинг негизи бўлган ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқи борган сари мустаҳкамланмоқда.

Ишчи ва деҳқонлар иттифоқининг мустаҳкамланиши ҳамда кенг халқ оммасининг коммунистик ва ишчи партиялар атрофига борган сари мустаҳкамроқ жипслашиши натижасида кўп партиялиликдан бир партиялиликка ўсиб бориш процесси юз бермоқда: коммунистик ва ишчи партиялар халқ-демократик давлатларининг раҳбар ва етакчи кучи сифатида янада мустаҳкамланмоқдалар, ўз умрини яшаб бўлган буржуа партиялари эса тугамоқдалар ва сиёсий майдондан чиқиб қолмоқдалар. Масалан, Болгарияда илгарилари яшаб келган радикал партия халқ-демократик Болгариянинг радикализм идеяларига эришганлиги ва ундан ажралиб, ўтиб кетганлиги туфайли 1949 йилнинг бошида ўзининг тарқалганлигини э'лон қилди. Бошқа сиёсий партия — «Звено» союзи ҳам худди шундай қарор қабул қилди. Сўл социал-демократик партия марксизм-ленинизмни тўла э'тироф қилиш асосида коммунистик партия блан қўшилди. Четэл империалистларининг очиқдан-очиқ агентларига айланиб кетган учта реакцион буржуа партияси тугатилди.

Шу сингари процесслар бошқа халқ демократияси мамлакатларида ҳам юз бермоқда. Руминия, Польша, Чехословакия, Венгрияда илгари 5—10 тадан сиёсий партиялар бўлган эди, ҳозир эса 1—3 тадан партия: коммунистик ёки ишчи партиялари, деҳқон партиялари ёки союзлари ва ба'зибир мамлакатларда меҳнат интеллигенцияси ва ҳунармандлар партиялари мавжуддир. Шу блан бирга деҳқон партиялари ва меҳнат интеллигенцияси ва ҳунармандлар партиялари коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлик ролини э'тироф қилмоқдалар ҳамда улар блан иттифоқ бўлиб ва уларнинг раҳбарлиги остида социалистик жамият қуришда иштирок этмоқдалар. Албанияда фақат битта партия, я'ни марксча-ленинча идеологияга амал қилучи Меҳнат партияси бўлиб, у моҳият э'тибори блан марксча-ленинча партиядир.

Коммунистик ва ишчи партиялари та'сиринг ўсиши тасодифий эмас, балки қонуниймдир. Бундай ўсишга сабаб шуки, коммунистлар иккинчи жаҳон уруши йилларида, шунингдек, айниқса, урушдан кейнги даврда ўзларининг ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг иши учун жасур ва қат'ий курашчи эканликларини кўрсатдилар. Буржуазия улоқтириб ташлаган демократик эркинликлар, миллий мустақиллик ва давлат суверенитети байроғини коммунистик партиялар юқори кўтардилар. Бу нарса уларга кенг меҳнаткаш оммани ўз атрофларига бирлаштириш ва уларни дастлаб миллий мустақиллик ва демократик озодликлар учун курашга бошлаб бориш, кейинчалик эса, халқ-демократик революциясининг тараққийси давомида, социалистик ўзгариш учун, социалистик жамият қуриш учун курашга бошлаб бориш имконини берди.

Халқ демократик мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари ҳозирги вақтда ўз мамлакатларининг бутун сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётига раҳбарлик қилмоқдалар. Улар халқ советларига, касаба союзларига, ёшлар ташкилотларига, меҳнаткашларнинг умумхалқ сиёсий ташкилотларига (халқ миллий ёки ватан фронти каби ташкилотларга), кооператив союзларига, ҳархил жамиятлар ва ижодий союзларга раҳбарлик қилмоқдалар. Бу ташкилотлар ишчи синфининг авангарди бўлган партияни барча меҳнаткаш аҳоли оммаси блан боғлайдиган восталардир.

Халқ демократик давлатлари коммунистик партияларининг яқинда бўлиб ўтган с'езддари бу партияларнинг раҳбарлик ва етакчилик роли кучайганлигини яққол намойиш қилди. Бу с'езддарда хўжалик ва маданий қурилиш ишларига якун ясалди ҳамда социализм қуриш учун бундан кейнги кураш йўллари белгиланди. Масалан, 1954 йил февраль охирида—март бошида бўлиб ўтган Болгария Коммунистик партиясининг VI с'ездида Болгария Халқ Республикаси ривожланишининг иккинчи бешйиллик планини (1953 — 1957 йиллар учун) тузиш тўғрисида директивалар қабул қилди. 1954 йил мартида бўлиб ўтган Польша бирлашган ишчи партиясининг II с'ездида олти йиллик планнинг сўнгги йилларининг (1954 — 1955 йилларнинг) асосий иқтисодий вазифалари ҳақидаги масалани кўриб чиқди ва социалистик саноатни янада юксалтириш ҳамда қишлоқ хўжалигининг тезлик блан ривожлантириш программасини белгилаб берди. Европа халқ демократик мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари социалистик индустриялаштириш сиёсатини давом эттириб, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантиришга, енгил ва озиқ-овқат саноатини юксалтиришга, социал-маданий ва уй-жой қурилишига, я'ни бутун аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ишига бевосита хизмат қиладиган халқ хўжалик тармоқларига кўпроқ аҳамият беришни ўз вазифаси қилиб қўйди.

Партия с'езддари партия ички қурилиши, коммунистик партия сафларини идеологик ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш масалаларига кўп э'тибор бердилар. С'езддар партиялар уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритдилар. Халқ демократик мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари ҳаётида юз берган буюк ўзгаришлар янги уставларда ўз ифодасини топди. Янги уставларни тузишда КПССнинг XIX с'езди томонидан қабул қилинган Уставда умумлаштирилган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бой тажрибасидан кенг фойдаланилди.

Болгария Коммунистик партияси янги Уставининг биринчи параграфидаги партия та'рифи КПСС уставининг биринчи параграфидан намуна олиниб, Болгария Коммунистик партияси бир маслакдаги коммунистларнинг ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция кишиларидан ташкил топган кўнгилли жанговар союзидир, деб баён қилинган. Худди ўша жойнинг ўзида коммунистик партия босиб ўтган шонли ва голибона йўл қисқа баён қилинган, партиянинг ҳозирги социалистик қурилиш давридаги асосий вазифалари белгилаб берилган.

Болгария Коммунистик партиясининг янги Уставида партия а'золарининг ҳуқуқ ва вазифалари белгиланади. Уставнинг бу қисмида партия ички демократиясини янада кенгайтиришга, партия а'золарининг ҳуқуқларини янада яхшироқ ҳимоя қилишга қаратилган ба'зибир янги қоидалар бор. Партия бирлигини сақлашга, партия а'золарининг ҳаммаси учун бирхил бўлган партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади.

Халқ демократик мамлакатлари коммунистик ва ишчи партияларининг янги уставлари партиями ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, уларнинг халқ оммаси блан алоқасини кенгайтириш, социалистик қурилиш вазифаларини бажаришга меҳнаткашларнинг ижодий ғайратини сафарбар қилиш ишида уларнинг қўлида амалий ва кучли қуроллдир.

Сўнгги вақтларда ба'зи халқ демократик мамлакатларида бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партияларининг с'езддари халқаро бир

Ғўзани намунали парвариш қилиб, мўл ҳосил учун пухта замин яратайлик!

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Оржоникидзе районидаги Молотов номли колхознинг ўртоқ **Қ. Тошхўжаев** бошлиқ бригада а'золари 62 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ **Қ. Тошхўжаев.**

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

Суратда: Чиноз районидаги «Қизил октябрь» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ **Иброҳимова.** У раҳбарлик қилаётган звено шу кунларда ғўза парваришини юқори сифатли ўтказиб, бошқаларга намуна кўрсатаётир.

В. Салов фотоси.

Суратда: Мирзачўл районидаги Сталин номли колхознинг энг яхши сувчиси ўртоқ **М. Нурматов.** У суғораётган участкалардаги ғўза жуда яхши ривожланмоқда.

А. Аверьянов фотоси.

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг ўртоқ **С. Зулфуқорова** бошлиқ звено а'золари бу йил гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилганлар. Суратда: звено бошлиғи ўртоқ **С. Зулфуқорова.**

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Илғор бригадада ғўза кўсаклади

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг ўртоқ А. Оллобергановнинг бошлиқ бригада а'золари ғўзани парвариш қилишда колхоздаги бошқа бригадаларнинг ҳаммасидан ҳам олдинда бормоқдалар. Бу бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 41 центнердан пахта ҳосили етиштирган эди. Бу йил ҳар гектар ердан камида 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда.

Бригадада меҳнат тўғри ташкил қилинган. Колхозчилар ғўза парваришини механизаторлар блан биргаликда тузилган график асосида олиб бораётирлар. Шунинг учун универсалларнинг бекорга тўхтаб туриш ҳоллари асло рўй бермайди.

Ҳозир бригада а'золари ғўзани 3 марта культивация ва чопиқдан чиқардилар, зарур бўлган жойларни икки марта суғордилар. Ҳамма экин бир марта ўтитланган бўлса, жойига қараб айрим ердаги ғўзалар икки марта озиқлантирилди. Ғўзалар май ойининг охирида шоналайишлаган эди. Июнь бошларида айрим туплар гул кўрсатди. Ҳозир эса ғўзалар ёппасига гуллаб, олди ўсимликларда кўсак ҳам пайдо бўлабошлади.

Яқинда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бригадалар ўртасида бўлиб ўтган ўзаро текшириш якунларини муҳокама қилди. Натижада ўртоқ Оллобергановнинг бошлиқ бригаданинг ғўза парваришида олдинда бораётганлиги, унинг ишлари юқори сифатли эканлиги ма'лум бўлди. Шунинг учун колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг ўчма Қизил байроғи шу бригадага берилди.

Бундан руҳланган бригада а'золари социалистик мусобақада илғорликни қўлдан бермасликка, ғўзанинг ҳосил тўплаш даврини янада ўюшқоқлик блан ўтказиш учун барча куч ва воситаларни тўла сафарбар этиб ишлашга қарор қилдилар.

М. САРИҚУЛОВ.

ҒЎЗА ЯХШИ ПАРВАРИШ ҚИЛИНМОҚДА

Чиноз районидаги «XIX партс'езд» колхозида ишлаётган универсалчилар ғўза парваришида зўр ғайрат кўрсатиб, мавсум бошидан буён МТСнинг ўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб келаётгилар. Ўртоқ Алиев бошлиқ бу бригаданинг тракторчилари ҳозиргача 2235 гектар ғўзани парвариш қилиб, йиллик планни 72 процент ado этдилар. Ўрта ҳисоб блан ҳарбир универсалда кунига 17 гектар ердаги экин парвариш қилинмоқда.

Тракторчилар ҳосил учун курашда ўзларининг колхозчилар блан бирдай манфаатдор эканликларини жуда яхши ҳис қиладилар. Шунинг учун улар культивация, ўғитлаш, эгат очиш ва бошқаларда ишнинг сифатли бўлишига гоят э'тибор бермоқдалар.

М. ЮСУПОВ.

Мусобақадошлар аниқлаган камчиликлар тугатилиши керак

Оржоникидзе район пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Калинин районидаги Молотов номли колхознинг пахта далаларида бўлганларида колхозда ғўза қатор ораларини ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, бу камчиликларни тезда бартараф қилиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган эди. Текшириш ўтказилгандан бери орадан анчагина вақт ўтди. Лекин колхозда бу камчиликларни йўқотиш ва авжи паст ғўзаларни олдинги ғўзаларга тенглаштириш учун қилиниши лозим бўлган зарур агротехника тадбирлари ниҳоятда секинлик блан амалга оширилмоқда.

Даставвал шуни айтиш керакки, колхоз раҳбарлари қўшни илғор колхозлар олдида уятли бўлиб қолмайлик деган зарарли кайфиятга берилиб, кўзбўямачилик қилишга қадар бориб етганлар. Гарчи, сводкада колхозда тўртинчи культивация тамомланиб, бешинчи культивация ўтказилаётгани кўрсатилган бўлсада, ҳақиқатда эса аҳвол бутунлай бошқача. Сводканинг ёлғон ма'лумотларга асосланиб тузилганлигини даладаги ҳақиқий аҳволдан билиб олиш қийин эмас. Бундаги айрим илғор, юқори ҳосилли звеноларни ҳисобга олмаганда, умуман колхозда шу кунларда асосан учинчи культивация олиб борилмоқда.

Ғўза қатор ораларини парвариш қилишда ишнинг сифати учун курашилмаётир. Кўпчилик бригадаларда қилинаётган ғўза чопиғининг чуқурлиги 3 — 4 сантиметрдан ошмайди. Ҳатто сводкада учинчи чопиқдан чиқарилди, деб кўрсатилган карталардаги ғўзалар ҳам ёввойи ўтлардан тузуккина тозаланган эмас. Жумладан, Ш. Эгамбердиев бошлиқ 10-нчи бригаданинг 15 гектар ва Н. Содиқов бошчилик қилаётган 2-нчи бригаданинг 4 гектардан ортиқ ердаги ғўзасини ёввойи ўт босиб кетган. Ҳақиқий аҳвол ана шундай бўлгани ҳолда, колхоз раҳбарлари ва бригада бошлиқлари ўт ичида кўмилиб, ривожланишдан қолаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилишга э'тибор бермаётирлар.

Колхозда ғўза парвариши соҳасида юз берган қолоқликни тугатишнинг бирдан-бир йўли колхозчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиб, уларнинг унумли ишлашлари учун қулай маданий-маиший шароит яратиб беришдан иборат эди. Лекин колхоз раҳбарлари ана шунга э'тибор қилмаётирлар. Натижада колхоз а'золари ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб, уларнинг бир қисми дала ишларига қатнашмаётирлар. Масалан А. Юсупов бошлиқ бригадада 33 кишидан 25 киши, Қ. Имомалиев бошлиқ бригадада 42 кишидан 28 киши далада ишламоқда. Бундай аҳвол колхознинг бошқа бригадаларида ҳам рўй бермоқда.

Колхозда МТСнинг кучли трактор бригадаси хизмат қилади. Бригадада бир қатор ишчан механизаторлар бор. Жумладан, У. Маннонов ва И. Қорақулов синтари илғор универсалчилар ҳамаварт смена топшириғининг ошириб бажарилишига эришмоқдалар. Лекин ана шу илғорлар тажрибаси оммалаштирилмаган. Бундаги кўпчилик универсалчилар ниҳоятда паст унумда ишламоқдалар. Бунга ҳам механизаторларнинг унумли ишлашлари учун керакли шароитлар яратилмагани сабаб бўлмоқда. Бу эса механизаторлар ўртасида меҳнат интизомининг бўшашиб кетишига ва уларнинг ўз агрегатларига нисбатан жавобгарликни ҳис этмаслик каби ярамас ҳолларнинг содир бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунга мисол қилиб, колхознинг 10-нчи бригадасида ишлаб турган универсалчи Тўхтамурод Собировнинг ўз тракторини ташлаб, Тошкент районидаги Ленин номли колхозга кетиб қолганини кўрсатиш кифоя.

Калинин район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари барча дала ишлари бўйича ишимиз «100 —100» деб сводка бераётган колхозлардаги ҳақиқий аҳвол блан яқиндан танишишлари керак.

Қ. ҲИКМАТОВ.

Авжи паст ғўзалар алоҳида парвариш қилинмоқда

ЯНГИЙЎЛ, (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Калинин қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз ҳар йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Колхоз 1953 йилда давлатга ҳар гектаридан 36 центнердан пахта топширган бўлса, бу йил 841 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектардан 36,5 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Ҳозир колхозда ғўза парвариши ана шу юксак мажбуриятни та'минлайдиган даражада олиб борилмоқда.

Колхозда меҳнат тўғри ташкил қилинган, дала ишларининг унумли бўлиши учун яхши шароит яратилган. Ҳамма колхозчи далага барвақт чиқади. Шунинг натижасида ғўза учинчи чопиқдан чиқарилиб, 4-нчи чопиқ бошланди; 2 марта озиқлантирилиб, ўз вақтида қондириб суғорилмоқда.

Колхоздаги юзцентнерчи звеноларнинг иши диққатга сазовордир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Тилла Туронов бошлиқ звенонинг ғўзалари 3 — 4 тадан шох чиқариб, ёппасига гулга кирди ва кўсак ҳам тугмоқда. Звено а'золари гектаридан 50 центнер ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятини бажариш учун ғўзани тобора яхши парвариш қилмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Абдумалик Шерматов звеносида ҳам иш яхши бормоқда.

Колхознинг ғўзалари ўз вақтида культивация қилиниб, чопиқ суғорилганидан 841 гектар ердаги ҳамма ўсимлик текис шоналаган.

Ворошилов номли колхоз а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш ва машина-трактор станцияларининг ишини тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан амалий тадбирлар белгилади. Ғўзалар яхши ўсмаётган пайкалларга алоҳида кишилар бириктирилди. Бундай ғўзаларни бир текисда ривожлантириб, текис ҳосилга киритиш учун барча чоралар кўрилмоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Меҳнат завқи

Далаларга файз кирди, ғўзалар ёзди қулоч,
Меҳр тўла меҳнатнинг етилажак меваси.
Майин елда силкиниб турган ҳар битта тупнинг
Жамолин кўрар экан келар элнинг ҳаваси.
Янги очилган ерлар бугун чексиз пахтазор,
Кўмкўк туташ карталар қувонтирар кўзларин.
Звенося ҳақида Жўра ака ўйларкан,
Ҳикоя келтирар юракдаги сўзларин:
Ариқларни тўлдириб сув оқди анҳор-анҳор,
Гувуллаб машиналар иш қизиди чўлларда.
Ўн центнер ўрнига юз центнердан олдик,
Янги чаманлар унган бизлар юрган йўлларда.
Кенгайиб кетди ерлар, звеномиз ҳамжиҳат,
Қўриқ ва бўз ерларни яшнатамиз ҳар йили.
— Тўғри, — дер бригадир ўрта бўйли мард йигит,
Меҳнатидан сўзласа равшан бўлади дили.
Шоналарни санаймиз Жўрабой ака блан,
Кўкрагида порлайди Қаҳрамонлик юлдузи.
Мўл ҳосилни мўлжаллар ҳарбир режаси блан
Ғўзага боғланади дилидан айтган сўзи.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

МТС директори Боймуҳамедовнинг найрангбозлиги

Ҳозирги пайтда бирор колхозга бориб рўбару келган кишидан «МТС директорини танийсизми?» деб сўрасангиз, у албатта таажжубланади. «Оғиримизни енгил қилаётган МТС бўлса-ю, биз унинг бошлиғини танимаймизми?», дея сиздан қойинади ҳам. Ҳарбир пахтакор ўз колхозига хизмат кўрсатаётган механизатори ҳурматлайди, унинг меҳнатини қадрлайди.

Верхне-волинск районига бориб қолсангиз, ғайри табиий ҳолга дуч келасиз. Райондаги 2-нчи МТСнинг директорини колхозчилар майли-я, ҳатто кўпчилик бригада бошлиқлари ҳам танимас экан. Уста пахтакор, Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи Ўринбой Толипов қуйидаги воқеани айтиб берди:

— Ғўзамиз энди биринчи чопиқдан чиққан эди. Катта қўча бўйидаги еримизда турсам, район томондан бир машина келаберди. Ўқдай учиб келаётган машина тупроқ тўзитиб, менинг ёнгинамда тўхтади. Мен юз-кўзимни рўмолим блан артиб бўлгач, қарасам қаршимда тўладан келган, сайғра кетаётган кишидек олифта кийинган йигит илжайиб турипти. «Амалдор бўлсанг ўзингга-да» демоқчи эдим, андеша қилдим. «Ҳа, ўтағаси, ишлар қалай?» деб мен блан ҳол-аҳвол сўраши, кейин яна бир-икки савол берди-да, машинасига ўтириб ғувуллаганича шаҳар томонга жўнаб кетаберди. Хайрон бўлиб турган эдим, колхозимиз раиси келиб қолди. «Ким экан у, йўл адашиптими?» деб раис мендан сўради. «Йўқ, ўтган-кетганда кўриб юраман, кўпроқ тракторчилардан гапирди, чамамда МТС директори бўлса керак» деб жавоб бердим...

— Шунақа, оғайнилар, — деди сўзини якунлаб Ўринбой ака,— биз директорни кўзда бир кўрамиз-у, баҳорда бир. Узоқдаги қариндошдек озиб-ёзиб бир келганда юракдаги гапларни айтгимиз келади, аммо у киши ҳамаварт шаҳарга шошилиб тургани учун бир нарса деолмаймиз.

МТС зонасидаги қайсибир колхозга борманг, директор у ерга кўп вақтдан бери келмаганлигини, башарти, келган бўлса ҳам, машинадан тушмай «йўл-йўриқ» кўрсатганини айтишади.

Куйбишев номли колхоз зонадаги энг йириқ, юқори ҳосилли колхозлардан ҳисобланади. Нега бўлмаса МТС директори бу колхозга вақти-вақтида келиб турмайди, ёрдамлашмайди? Хонаси келганда «кампамо»ликнинг сирини очиб қўяқолайлик.

Куйбишев номли колхоз раиси Нуриддин Юсупов кишининг камчилигини шартта очиб ташлайдиган, юзи-хотир қилмайдиганлардан. У райондаги бўлган йиғилишларнинг бирида: «МТСимизнинг директори Ҳайдар Боймуҳамедов шаҳарга ўрганиб қолган, ўзи бу ерда юрса ҳам, кўнгли шаҳарда...» деб очиғини айтиб қўяқолди. Раиснинг гапи директорга ботиб кетди шекилли, илгари у кўчадан ўтиб кетаётганда Куйбишев номли колхознинг ғўзаларига қараб завқланарди, ўша-ўша у колхоздан ўтгундай бўлса, «ГАЗ-69»нн соатига 70—80 километр тезликда югуртиради.

Ҳайдар Боймуҳамедов тошкентли. Унинг МТС территориясида данғиллама уйи бўлса ҳам, шу вақтгача кўчиб борган эмас. Нега, деб сўрасангиз, Боймуҳамедовдан осонгина жавоб оласиз: «мени чиён чақаётгани ҳам етар, бола-чақани қийнаб нима қиламан. Тагимда «газик», истаган вақтимда Тошкентдаман-да...»

У ўзи истаган пайтда Тошкентда юргани учун ҳам ишнинг мазаси йўқ, топшириқлар ўз вақтида бажарилмайди. Директор шу вақтгача кўчма устахона ташкил қилиш тўғрисида ўйлаб кўрмаган бўлса керак. Шу сабабли тракторнинг бир қисми бузулгундай бўлса, бригада механиги МТС га от чопади. «Директорнинг рухсатисиз бераолмаймиз» деб у ердагилар механикни анча овора қилишади. Шу зайлда иш вақти бекорга ўтади.

Ҳайдар Боймуҳамедовнинг шаҳарпараст бўлиб қолганлиги сабабини сўрарсиз. Қисқача жавоб берамиз: пул кўпда! Бошқа МТС директорларига қараганда у кўп иш ҳақи оладими? Гап қонуний маошда эмас-да! Мана унга келадиган даромад манбаи: илгариги йилларда тракторчиларнинг иши учун колхозлар меҳнат куни тўлар эди. Ҳозир тракторчилар МТСдан маош оладилар. Бу ҳол директорни жуда қувонтирди. Шунақа бўлгандан бери тракторчи ва механиклардан: «Тракторнинг фалон болти йўқолипти, радиатордан сув томадиган бўлиб қолипти» деб 200—300 сўмлаб ушлаб коладиган бўлди. Шунинг учун ҳам у маош бериладиган куни наерда бўлса ҳам етиб келади, кассирга ёрдамлашиб туради.

Шундай қараганда МТС зонасидаги колхозлар ғўза парваришида ҳам, пахта теримида ҳам, бошқа ишларни бажаришда ҳам ҳар йили яхшидек кўринади. Ҳақиқатда ҳам бу зонадаги колхозлар пахта ҳосилини йил сайин оширмоқдалар. Лекин бу илғорликда МТС директорининг заррача бўлса ҳам ҳиссаси йўқ. Мўл ҳосил етиштиришда пахтакорлар блан бирхилда манфаатдор бўлган ва буни онгли суратда тушунган механизаторлар куч-қувватларини аямай меҳнат қилмоқдалар. МТС директори колхоз раисларига бирон марта айтмаган бўлса ҳам, механизацияннинг ҳал қилучи кучига ишонган колхоз правлениелари ва партия ташкилотлари тракторчи-универсалчиларга ҳартарафлама ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ғўза парваришининг ҳозирги қизғин палласида колхозларда тез-тез бўлиб, уларнинг ишига амалий ёрдам бериш, «Универсал»ларнинг тўхтовсиз юриб туриш тадбирларини кўриш керак. Бу соҳада партия ва ҳукуматимиз МТСлар учун, айниқса уларнинг директорлари учун барча шароитни яратиб берганлар. МТС директорлари тезюрар ва қулай «ГАЗ-69» маркали енгил машина блан та'минланганлар. Ҳайдар Боймуҳамедов бўлса, ана шу қулайликни суиистe'мол қилиб, кўп вақтини шаҳарда ўтказаётир.

Район партия комитетининг секретари ўртоқ Т. Ражабов МТС директори Ҳайдар Боймуҳамедовнинг «шаҳарпараст»лигини билади. Бирнеча бор унга: «Яхши эмас, тезроқ кўчиб келинг» деб айтди ҳам. Лекин у «Райком секретари шунчаки айтди-қўйди-да», деб районга кўчиб бориш, хотиржам ишлаш тўғрисида бир қарорга келгани йўқ. МТС гаражининг мудири: «Верхне-волинск — Тошкент» деган путёвка ёзабериб жуда зерикди. Энди бу путёвкани ўзгартириш керак: буни район партия комитетига ҳавола қиламиз. я'ни бундан кейинги путёвка «МТС — колхоз» деб ёзилса, жуда яхши бўлар эди!

С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ўзбек орфографиясининг ба'зи муҳим масалалари тўғрисида

Шу кунларда ўзбек орфографиясини яхшилаш, стабиллаштириш масаласи юзасидан республика матбуоти саҳифаларида ва илмий муассасаларда қизғин мунозаралар бормоқда. Бу мунозаралар орфографиямизни ёзув тажрибамизнинг кундан-кун ўсаётган катта талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтириб, илмий асосда стабиллаштиришга тўғри йўл очиши мумкин.

Биз бу мақолада қўшимчалар имлоси, айириш белгиси ва ўзбек тилига рус тилидан кирган сўзлар имлоси ҳақида гапирамиз.

Дастлаб шуни айтиш керакки, «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» (ЎзФан, 1953) проектида мана шу асосий принципларнинг энг муҳимлари акс этдирилмаган, унинг «Қўшимчалар имлоси» бобида (69 — 81 § лар) қўшимчалар ма'но ва грамматик вазифаларига қараб ясовчи, турловчиларга ажратилмаган. Шу сабабли ясовчи ва турловчилар қайси принципга (фонетик ёки морфологик принципгами) асосланиб ёзилиши ҳам кўрсатилмаган. Келишик, шахс ва бошқа турловчилар системаси имлоси алоҳида қондада берилмаган.

Қўшимчалар имлоси қоидалари илмий, тарихий асосга ва ўзбек тили грамматикаси тузилишининг хусусиятларига риоя қилиб, умумлаштириб бир системага солиб берилиши керак. Акс ҳолда, уларни ёзишда кўп қийинчиликлар ва ўзбошимчаликлар рўй беради. Шунга кўра қўшимчалар имлосини белгилашда, фикримизча, қуйидаги принципларни кўзда тутиш керак.

1. Орфография қоидалари тўпламида ясовчилар имлоси алоҳида, турловчилар системасининг имлоси алоҳида берилиши керак.

2. Ясовчилар имлосини белгилашда, уларнинг вазифа ва хусусиятларига қараб ба'зиларини ёзишда фонетик принципга, ба'зиларини ёзишда морфологик принципга риоя қилиш керак.

Ҳозирги замон ўзбек тилида ясовчилар ма'но ва грамматик мазмун жиҳатдан икки асосий группага ажралади. Биринчи группа ясовчи қўшимчаларнинг вазифаси ўзакдан янги сўз ясаш блан чегараланади. Бундай ясовчилардан:

а) тузик, юрак, ўроқ, кулги, туртки, чалғи, сиртқи, ургу, уйқу, билим, қултум, ёғғин, тошқин, юлғун, учқун каби сўзлардаги қўшимчалар, талаффузга мувофиқ эшитилишича ёзилиши керак;

б) ишчи, қўшчи, ишсиз, пулсиз, ақлли, юзли, яхшилик, тушлик, деҳқончилик, сиёҳдон, йўлдош, меҳнаткаш, аравакаш, ошхона, гулзор, Ўзбекистон каби сўзлардаги -чи, -сиз, -ли, -лик, -чилик, -дон, -кашш, -хона, -зор, истон ясовчилари доим бирхилда, қоидада белгиланган шаклда ёзилиши керак.

Иккинчи группа ясовчи қўшимчалар (масалан, фе'лнинг турли замон, майл ва даражаларини ясовчилар, сифатнинг қиёсий даражасини, сира сонни ясовчи каби қўшимчалар) бир сўзнинг бошқа грамматик шаклларини ифодалаб, вазифа жиҳатдан турловчиларга яқин турадилар. Бу хил ясовчилар имлоси морфологик принципга асосланиши ва келмоқ, келди, келар, келажак, тушгин, эгин, ёқин, соғгин, экган, ёқган, келаётган, ёғгач, соғгач, келибди, билинди, яхшироқ, бешинчи каби сўзлардаги ясовчи қўшимчалар доим бирхилда: -моқ, -ди, -ар, -ажак, -гин, -син, -ган, -иб(б), -ибди (иб+ди), -ин, -ил, -иш, -роқ, -инчи (-нчи шаклида ёзилиши лозим.

3. Турловчилар системасига кируучи (келишик, сон, шахс, кесимлик) қўшимчалар мутлақо морфологик принципда, доим ягона бир шаклда ёзилиши зарур.

«Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» проектининг 38 параграфида **«г, к, қ, ғ»** товушлари блан битган сўзларга шу товушлар блан бошланган қўшимчалар қўшилганда, бир-бирига дуч келган ундошлар бирхилда айтилади ва шунга мувофиқ, бирхил шаклда ёзилади: **эшик-эшикка, кичик-кичиккина, ўртоқ-ўртоққа, туг-туққан, қишлоқ-қишлоққа,, бог-боққа, барг-баркка каби»** деб берилган қоидада ма'лум бир система ва изчиллик йўқ. Масалан, Совет интернационал сўзларига қўшиладиган турловчилар бу қондага бўйсунмайди: **лафаргга, митингга** шаклида ёзилаберади, дейилган. Ма'лумки орфография қоидалари тилнинг луғатига кирган барча сўзлар учун умум бўлади. Проект авторлари буни э'тиборга олмаганлар.

Бундан ташқари, қўшимчалар имлосини белгилашда ба'зибир (ган, га каби) қўшимчаларни эшитилишича ёзишни «қонунлаштириб», қолганларини эса (масалан да, ди, дан, лар кабиларни) эшитилишича эмас, балки доим бир шаклда ёзилишини қонунлаштириш изчилсизлик деб ҳисоблаймиз.

«Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» проектининг 48 — 50 § ларида сўз ўртасида келган **ъ, ь** ва апострофнинг ёзилиши тўғрисидаги қоидалар ўзбек тили грамматикаси қонунларига асосланмаган ва шунинг учун бу белгилар имлоси мактабда жуда катта қийинчиликлар туғдиради.

Биз айириш белгисини (**ъ**) ўзбек алфавитида ортиқча деб ҳисоблаймиз. Унинг ўрнини апостроф тутаолади. Проектда айириш белгиси блан апостроф — иккиси асосан бир вазифани, я'ни унлини ундошдан ажратиб ўқиш вазифасини бажариши кўзда тутилган. Агар бунинг устига юмшатиш белгисининг (**ь**) ҳам сўз ўртасидаги айириш белгилик вазифасини қўшсак, у вақтда уч белги бир вазифани бажараётган бўлади.

Ҳарбир тил алфавитида одатда бир ҳарф бирнеча вазифада ишлатилади. Ўзбек алфавити ҳам шу принципда тузилган. Шундай бўлишига қарамай, **ъ, ь** ва апостроф асосан бир вазифада — айириш белгилик вазифасида ишлатилиши шу принципга тўғри келмайди ва, аксинча, унга зиддир.

Мактабда ўқитучи ҳадъя ва судья сўзларининг нима учун биринчисида **ъ**, иккинчисида эса **ь** нинг, ёки нима учун қалъа сўзида **ъ** нинг, **жам'и** сўзида эса апострофнинг ёзилишини ўқучиларга қайси фонетик ёки морфологик қондага асосланиб тушунтираолади?

Даставвал, айириш белгиси (**ъ**), ўзбек тилига кирган шу белгиси бор русча сўзларни ёзиш учунгина ўзбек алфавитига киритилган эди. Энди янги орфография қоидалари проектида **ъ** нинг вазифаси кенгайтирилган. Шу блан бир қаторда апостроф ҳам алфавитда сақланиб қолган.

Рус тилида **ъ** блан **ь** ларнинг сўз ўртасида айириш белгиси вазифасида ишлатилиши жуда равшан ва аниқ морфологик қондага асосланганди. Бу қоиданинг жуда аниқлигига ва асослилигига қарамай, **ъ** ва **ь** илмоси рус мактабида ҳам анча қийинчиликлар туғдиради.

Биз айириш белгиси вазифасида асосан апострофни ишлатишнинг тарафдоримиз. Рус тилидан кирган сўзлардагина ёзилиб келган **ъ** ни алфавитдан чиқариб ташлаб, унинг ўрнига ҳам апостроф ишлатабериш керак.

Рус тилидан кирган, ўртасида айириш белгиси вазифасида юмшатиш белгиси (**ь**) ёзиладиган Ильич, судья, павильон, батальон каби сўзларнинг ёзилишини орфографик луғатда бериб, қолган ҳамма ҳолатларда айириш белгиси вазифасида апостроф ишлатилиши орфографиянн жуда осонлаштиради. Демак, апостроф қуйидаги ҳолатларда ишлатилиши керак:

а) олдинги ундошдан кейинги унлини айириб талаффуз қилиш учун: об'ект, суб'ект, с'езд, ҳад'я. дар'ё, дун'ё, қал'а, ан'ана, сан'ат, сур'ат каби.

б) бўғин охиридаги унлини чўзиброқ талаффуз этиш учун: та'сир, ма'но, та'мин, ма'юс, да'во каби:

в) даф', мони', толи', нав', ман', каби сўзлар охирида.

Кейинги кисми ёлашган унли блан бошланган қўшма сўзларни ёзишда айириш белгиси ўрнига дефис(-) ишлатилиш нинг тарафдоримиз: Олов-ер, қор-ёғди, даст-ёр каби. Рус тилидан кирган сўзлар имлосида эса, доцент О. Азизовнинг ўқитучилар газетаси»нинг 1954 йил 10 февральда чиққан мақолаида айтилган фикрларга қўшиламиз.

Орфография қоидалари ёзувимизга тўғри ва кенг йўл очиб бериши керак. Ёзувимиз, илмий асосда умумлаштириб ва бу соҳадаги тажрибага таяниб, белгиланган имло қоидалари асосидагина тўғри ва кенг йўлга тушиб, бугунги маданий эҳтиёжларимизга тўла жавоб бераолиши ва кенг меҳнаткаш оммаси учун ҳам аниқ, тушунарли бўлаолиши мумкин.

А. САФАЕВ,
Тошкент театр сан'ати институтининг тил кафедраси мудири.

Ўқучиларнинг ўрта мактабларни тамомлашига бағишланган йиғилиши

Яқинда Округ офицерлар уйининг паркида Тошкент шаҳар мактаблари ўқучиларининг ўрта мактабларни тамомлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга партия ва совет ташкилотларининг, олий ўқув юртларининг вакиллари, халқ маорифи органларининг ходимлари ва ўқитучилар қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Маориф министри ўртоқ И. Қодиров табрик нутқи сўзлади. У ўз нутқида дастлаб партия ва ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг ўқиши, илм олиши тўғрисида қилинаётган катта ғамхўрликлар ҳамда унинг самаралари ҳақида батафсил тўхталди. Сўнгра КПСС Марказий Комитети сентябрь ва феврал-март Пленумларининг қарорларида мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш, халқимиз моддий ва маданий фаровонлигини янада яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирлар муносабати блан ўрта мактабларни тамомлаган ўқучилар олдида турган асосий вазифаларни конкрет баён қилди ва уларга ўз билимларини оширишда, мутахассислик соҳаларини пухта эгаллашда муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда Ленин районидаги 94-нчи мактабнинг республикада хизмат кўрсатган ўқитучиси Бартинова, экскаватор заводининг слесарь-қуючиси Кузнецов, Ўрта Осиё политехника институтининг студенти Раҳмонбекова, Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори Комков, Октябрь районидаги 1-нчи қизлар ўрта мактабининг 10-нчи синфини бу йил муваффақиятли тамомлаган ўқучилардан Сиддиқова ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар ва ўрта мактабларни тамомлаган ўқучиларни табриклаш блан бирга, уларни олий ўқув юртларига кириб, ўқишни давом этдиришга чақирдилар.

Йиғилиш охирида Қирғизистон Давлат филармониясининг С. Симаров раҳбарлигидаги Тошкент шаҳрига гастролга келган концерт группаси томонидан катта программада концерт берилди. Бундан ташқари парада ўқучиларнинг оммавий сайили ўтказилди.

А'лочи ўқучилар саёҳатга жўнаб кетдилар

Ўтган якшанба куни Сталин номли ва Островский номли пионер саройлари тўгаракларининг актив қатнашчиларидан катта бир группа а'лочи ўқучилари қадрдон Ватан бўйлаб саёҳат қилиш учун Тошкентдан жўнаб кетдилар. Улар Ватанимиз пойтахти гўзал Москвада, Киевда, Львовда, Карпат тоғида ва бошқа жойларда бўладилар. Ёш сайёҳлар у ерлардаги музейлар, ҳайвонот боғларини тамоша қиладилар, тарихий жойларни, ёдгорликларни бориб кўрадилар, ўша ерларнинг табиати ва иқлими блан муфассал танишадилар.

Ёш сайёҳлар борган жойларидаги пионер ва ўқучилар блан иқодий учрашувлар ўтказадилар, серқуёш Ўзбекистон ва унинг бойлиги ҳақида ҳикоя қилиб берадилар, ўқиш ва тўгарак ишларидаги тажрибаларни гапириб бериб, фикр ўлмошадилар. Ўқучилар ўз пионер саройларида виставка ташкил қилиш учун ўзлари блан турли-туман коллекция ва гербарийлар олиб қайтадилар.

З. МУҲАМАДЖОНОВ.

Агитаторлар семинари

Яқинда Қуйичирчиқ районидаги 1-нчи МТСда агитаторларнинг бир кунлик семинари ўтказилди. Икки МТС зонасидаги колхозларда социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши текширилган эди. Семинарда текшириш бригадасининг раҳбари ўртоқ Х. Юсуповнинг ахбороти тингланди. Семинар қатнашчилари 1-нчи МТСнинг бош агрономи ўртоқ Ли Викторнинг «Каноп ва жут экинларини илғор агротехника асосида парвариш қилайлик» деган темадаги ва шу МТСнинг зоотехниги ўртоқ Тен Во Аннинг «Сигирлардан сут согишни кўпайтирайлик» деган темадаги докладини тингладилар.

Семинарда халқаро аҳвол ҳақида ҳам лекция эшитилди.

Қ. ПЕРШЕЕВ.

СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов Жанвага келди

ЖАНВА, 23 июнь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов бугун Жанвага келди.

В. М. Молотов Жанвада йўқ вақтда В. В. Кузнецов СССРнинг Жанва кенгашидаги вакили бўлади.

Чжоу Энь-лай блан Мендес-Франс ўртасидаги музокаралар

ПАРИЖ, 23 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Берндан олиб билдиради:

Хитой Халқ Республикасининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай бугун Берндаги француз элчихонасига келди. Унинг блан Франция бош министри Мендес-Франс ўртасида дарҳол суҳбат бошланди.

Париж радиосининг эшитдирган хабарига кўра, Мендес-Франснинг Чжоу Энь-лай блан бўлган суҳбати икки соатча давом этган.

Чжоу Энь-лай блан суҳбат тамом бўлгандан кейин Мендес-Франс матбуот вакилларига қуйидаги баёнотни қилган:

Чжоу Энь-лай, мен, шунингдек бизнинг ходимларимиз Ҳинди-Хитойга доир масалалар юзасидан тамомила эркин равишда суҳбат қилдик. Самимий равишда ва атрофлича қилинган бу суҳбат Жанва кенгаши прогрессга эришаолади деб ишонишимга имкон беради.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ ҲИНДИСТОНГА БОРАДИ

ЖАНВА, 23 июнь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси делегациясининг матбуот бўлими қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Хитой Халқ Республикасининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай Ҳиндистон ҳукуматининг бош министри Нерунинг таклифига биноан Ҳиндистонга боради. У Ҳиндистонда уч кун бўлади.

Бош министр ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай ва унинг блан бирга боручи кишилар Жанвадан Деҳлига Ҳиндистон ҳаво корпорациясининг махсус самолётида 23 июньда учиб кетадилар.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙНИНГ ҲИНДИСТОНГА БОРИШИ ҲАҚИДА ҲИНДИСТОН МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 23 июнь. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтининг сиёсий ва жамоат доиралари Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий кенгашининг раиси Чжоу Энь-лайнинг Деҳлига келажаги ҳақидаги хабарни қизғин табриклямоқдалар.

Ҳиндистоннинг бутун матбуоти бу хабарни кенг шарҳлаб ёзмоқда. «Ҳиндустан таймс» газетаси бошмақоласида босиб чиқарди. Газета бу бошмақоласида бундай деб ёзади: «Хитой бош министри Чжоу Энь-лай Ҳиндистон ҳукуматининг таклифи блан Деҳлига келганида самимий кутиб олинади. Ҳиндистон блан Хитой ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган дўстлик Осиёда ва бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ишида кейинги вақтда энг муҳим воқиалардан бири бўлса керак... Ҳиндистон блан Хитойни Ҳинди-Хитойнинг тақдири жуда ташвишга солмоқда. Ҳиндистон сингари Хитой ҳам Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларининг тўхтатилишидан манфаатдордир...

Биз ишонамизки, Деҳлидаги музокаралар Узоқ Шарқда тинчликни мустаҳкамлаш ишига ижобий ҳисса қўшади».

ДЕҲЛИ, 23 июнь. (ТАСС). «Индиан экспресс» газетасининг хабар беришича, Гаагага бораётган вақтида йўл-йўлакай Калькуттада тўхталган Индонезия ташқи ишлар министри Сунарьо матбуот вакилларига Нерунинг Чжоу Энь-лай блан учрашувини табриклаганлигини айтган.

Гватемаладаги воқиаларга доир

ЛОНДОН, 23 июнь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Гватемала армиясининг интервенциячиларга қарши олиб борилаётган уруш ҳаракатлари ҳақидаги ахборотидан парчаларни билдирди.

Ахборотда айтилишича, ҳукумат қўшинлари Караиб денгизи қирғоғида Гватемаланинг асосий порти бўлган Пуэрто-Баррнос районида душманнинг ҳужумини тўхтатганлар.

«Душман икки жойда атака қилди, дейилади ахборотда, асосий атака темир йўл бўйлаб Пуэрто-Баррнос томонидан ва иккинчи атака денгиз қирғоғи бўйлаб қилинди.

Биринчи ҳужум кучли контратака натижасида қайтарилди. Бу контратака душман аскарларини Санто-Томас томонига чекинишга мажбур этдики, бу ҳол уларнинг қочиб кетишига имкон қолдирмайди».

Душманнинг иккинчи атакаси ҳам муваффақият қозонмади, чунки ҳукумат қўшинлари бу отрядларга улар кемадан тушаётган вақтда ҳужум қилдилар ва мазкур кемадаги қуролларни ҳам қўлга туширдилар».

Ахборотда ҳукумат қўшинларининг Чикимула районида — Гватемала шаҳридан 65 миля Шарқда ва Гондурас чегарасидан 20 миля ғарбда жойлашган муҳим шаҳар районида ҳам муваффақият қозонганликлари та'кидлаб ўтилмоқда.

«Шиддатли жангдан кейин ҳукумат қўшинлари душманни тор-мор келтиришди, душман тамомила тартибсиз равишда Кесальтепек (10 миля шарқи-жануб-да) томонига қочиб кетган».

«Кейинги хабарлар душманни қувиб бориш давом этганлигидан ва душман анча талафот кўраётганлигидан дарак беради».

Асосий ҳужумнинг дастлабки фазаси бўлган операциялар натижасида бизнинг армиямиз душманга анча катта талафот етказди ва кўп ҳарбий асир олди ҳамда анча миқдорда қурол-яроғ, ўқ-дори, алоқа воситалари, ҳарбий аннжом қўлга тушди ва ҳарбий материаллар ортилган турли типдаги юк автомашиналарини қўлга туширди».

ГВАТЕМАЛА ИНТЕРВЕНЦИЯЧИЛАРГА ЗАРБА БЕРМОҚДА

ПАРИЖ, 23 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Боготадан (Колумбия) хабар беради:

Тегусигальпа (Гондурас) радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Гватемала ҳукуматининг хабар беришича, интервенциячилар шарқий секторларда чекинаётирлар. Гондурас пойтахтида айтишларига кўра, «ёлланган қўшинлар кўп талафот кўрганлар ва бирнеча секторда душманнинг чекинадиган йўллари кесиб қўйилган».

ЛОНДОН, 23 июнь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Нью-Йоркдаги мухбири билдиради: Гватемаланинг ҳукумат қўшинлари учта шаҳар ёнидаги, шу жумладан Карайб денгизи қирғоғида жойлашган Пуэрто-Баррнос порти яқинидаги муваффақиятли жанглар натижасида кўп ҳарбий асир олганлар, қурол-яроғ ва та'минот воситалари қўлга туширганлар.

ГВАТЕМАЛАГА ҚИЛИНГАН ҲУЖУМ ТЎҒРИСИДА «ПАЭЗЕ СЕРА» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

РИМ, 23 июнь. (ТАСС). Нью-Йоркдан юборилиб, «Паэзе сера» газетасида э'лон қилинган хабарда, жумладан, бундай дейилади: АҚШ миллий хавфсизлик кенгашининг Марказий Америкадаги аҳволни муҳокама қилиш учун мажлиси чақирилган эди. Гватемаланинг демократик йўл блан сайланган ҳукуматига қуролли ҳужум бошлаш тўғрисидаги қарор ана шу мажлисда 17 июньда қабул қилинди. Шу қарорни қабул қилиш учун асос бўлган хулосалар Вашингтон ҳукуматининг Монтевидеода бўладиган конференцияда овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилигини, я'ни Гватемала ҳукуматига нисбатан «коллектив тадбирлар кўриш» тўғрисидаги резолюцияни қабул қилиш учун зарур бўлган миқдорда овоз олишини та'минламаса керак.

Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлисида Гватемалага бораётган савдо кемаларини қуролли контроль остига олиш тўғрисида АҚШ томонидан қилинган талабга Европа мамлакатларининг қарши бўлаётганликлари кўрсатиб ўтилган эди. Сўнгра, ўша мажлисда дипломатик органлар ва разведкаларнинг ахборотлари муҳокама қилинган эди. Шу ахборотлардан ма'лум бўлишича, давлат департаменти ҳарқанча таз'йиқ ўтказса ҳам, маслаҳат кенгашида овозларнинг учдан икки қисмини олишга муваффақ бўлолмайди. Рио-де-Жанейрода тузилган шартномага кўра, «Америка қит'асининг сиёсий барқарорлигига» таҳдид солаётган ҳукуматга қарши «коллектив тадбирлар» кўриш учун маслаҳат кенгашида қатнашучилардан учдан икки қисми овоз бериши зарур.

Шу сабабли, Монтевидеода бўладиган кенгашни рўй берган факт олдида қолдирмоқ учун, Гватемалага қуролли куч блан бостириб кириши дарҳол бошлаб юборишга қарор қилинган эди. Пентагонга тайёргарлик ишларининг ҳамасини — қўшин қисмларини ва денгиз пиёда аскарларини Панамага юбориш, Гондурасга, Никарагуага ва Сан-Сальвадорга қурол-яроғ юбориш, ёлланма аскарларнинг қуролли группаларини Гватемала чегараларига тўплаш ишларини тезлик блан тугаллаш топширилган эди. Шундай қилиб, Американинг ҳечбир белги қўйилмаган дастлабки самолётлари Гватемала шаҳарларини бомбардировка қилиш пайти келгунча, шунингдек интервенциячиларнинг биринчи шайкалари Гватемала чегарасини ёриб ўтгунча бутун тайёргарлик ишлари битказиб қўйилган эди.

Латин Америкаси халқлари интервенциясини қораламоқдалар

НЬЮ-ЙОРК, 23 июнь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирларининг хабарларидан ма'лум бўлишича, Чили меҳнаткашларининг 53 касаба союзда уюшган 500 минг а'зони бирлаштирувчи бирлашган касаба союз маркази Американинг Гватемаладаги қуролли босқинчилигига қарши норозилик билдириш юзасидан 24 июньда бир соатлик забастовка ўтказишга қарор қилган.

Панама университетининг студентлари Американинг Гватемаладаги интервенциясига қарши 22 июньда 24 соатлик норозилик забастовкаси э'лон қилганлар.

Хитой чегарасида гоминданчи шайкаларнинг фитнаси

ПЕКИН, 24 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради:

Хитой Халқ-озодлик армияси ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучлари қирғоқ соқчилигининг Чжэцзянги қисмлари Хитой территориал сувларига ва Чжецзян районидаги қирғоқ тепасида ҳаво чегарасига бирнеча марта бостириб кирган гоминданчи ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларига кучли зарбалар бердилар: 11 майдан тортиб 5 июньгача чанкайшичилар авиацияси сотсидан бўлган америка қиручи самолётларидан 10 таси уриб туширилди ва 4 тасига шикаст етказилди; 20 апрельдан то 5 июньгача гоминданчиларнинг 7 кемасига шикаст етказилди ва битта катери қўлга туширилди.

Иордания парламенти тарқатиб юборилди

БАЙРУТ, 23 июнь. (ТАСС). Радио ва матбуот хабарларига қараганда, кеча Аммонда Иорданиянинг 1951 йилда сайланган парламентини тарқатиб юбориш ҳақида королнинг декрети э'лон қилинган. Хабардор доираларнинг та'кидлаб ўтишича, парламентни тарқатиб юборишга парламентда ҳукуматга қарши кампания кучайиб кетганлиги сабаб бўлган.

Конституцияга биноан, янги сайлов парламент тарқатиб юборилган кундан бошлаб тўрт ой муддат ичида ўтказилади.

Болгария ташқи ишлар министрлигининг ахбороти

СОФИЯ, 22 июнь. (ТАСС). Болгария ташқи ишлар министрлиги Болгария Халқ Республикаси блан Греция ўртасида дипломатик муносабатлар тикланганлиги ҳақида хабар қилди.

Қанада ташқи ишлар министрининг баёноти

ПАРИЖ, 23 июнь. (ТАСС). Франс—Пресс агентлиги Монреальдан олиб билдиради: Канада ташқи ишлар министри Лестер, Пирсон бир группа четэл журналистлари Монреальга келгани муносабати блан матбуот конференциясида нутқ сўзлади.

Пирсон ишора қилиб ўтдики «Канада ҳозир ўз зиммасига мажбуриятлар олганлиги ва шу йўлда тадбирлар кўриши зарур» бўлганлигидан у Қўшма Штатлар тузмоқчи бўлаётган Шарқи Жанубий Осиё ҳарбий пактига қўшилмоқчи эмас.

БМТ қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг сессияси тамом бўлди

ЛОНДОН, 23 июнь. (ТАСС). Лондонда БМТ қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг сессияси бўлиб ўтди. Кичик комитет ахборот э'лон қилди. Ахборотда бундай дейилади: «22 июньда Ланкастер-хаузда БМТ қуролсизланиш комиссияси кичик комитетининг 20-чи ва охирги мажлиси бўлди. Мажлис элчи Яков Малик раислигида ўтди. Кичик комитетнинг қуролсизланиш комиссиясига тақдим этадиган доклади кўриб чиқилди ва кичик комитетнинг ҳамма а'золари томонидан ма'қулланди. Бу доклад матбуотда э'лон қилмоқ учун 24 июньда айни бир вақтда Лондонда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида топширилади, деб қарор қилинди».

Кичик комитетнинг ҳозиргача махфий ҳисобланиб келган протоколлари ошкора қилинади деб ҳам қарор қилинди.

Баодайчилар Вьетнамида сиёсий аҳвол

ПАРИЖ, 23 июнь. (ТАСС). «Франс-Суар» газетаси Сайгон мухбирининг кеча э'лон қилинган хабари баодайчилар Вьетнамида ҳарбий-сиёсий аҳвол кескинлашганини кўрсатади.

Автор баодайчилар армиясида тез айниш юз бераётганлиги тўғрисида ёзади. «Шаҳарларда кўп эрканлар сафарбарликдан бош тортмоқдалар... Давлат аппаратидаги хизматчилар ўртасида Вьетнамнинг та'сири кучаймоқда, оддий одамлар эса Сайгон ва Ханой кўчаларида норозилик аломатларини ошкора кўрсатабошламоқда.

Мухбирнинг ёзишича, баодайчилар Вьетнамида «ялпи айниш» хавфи туғилган.

ТУНИСДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 22 июнь. (ТАСС). «Юманите» газетасининг хабар беришича, Тунисда аҳвол жуда кескинлигича қолмоқда. Макнасси районида француз жазо отрядлари «тинтув» операцияси ўтказганлар. Бу «тинтув» вақтида тунислилардан 22 киши қамоққа олинган.

Кефа ва Эбба-Ксура районларида ҳам полиция операциялари бўлган. Бу операциялар вақтида тунислилар блан тўқнашувлар бўлган.

Японияда забастовка ҳаракати

ШАНХАЙ, 23 июнь. (ТАСС). Токио радиоси билдиради: «Ниппон кокан» компаниясининг заводларидаги 17.500 ишчи бугун 48 соатлик забастовка бошлади. Бу компанияда ишлаётган ишчиларнинг касаба союзи ишқаҳининг оширилишини ва ишчиларга ёзда ёрдам пули берилишини талаб қилмоқда.

Италия меҳнаткашларининг бирдамлиги

РИМ, 22 июнь. (ТАСС). Бугун Феррара вилоятининг ҳамма корхоналаридаги меҳнаткашлар вилоятдаги 120 минг батраккa бирдамлик изҳор қилиш юзасидан бир кунлик умумий забастовка э'лон қилдилар. Вилоятнинг батраклари ишқаҳининг оширилишини ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилиб кураш бошлаганларига 40 кундан ҳам ошиб кетди.

КОРЕЯ БИРЛАШГАН ВАТАН ФРОНТИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КОРЕЙС ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

ПХЕНЬЯН, 23 июнь. (ТАСС). Корея Бирлашган демократик Ватан фронтининг Марказий комитети кеча корейс халқига мурожаат э'лон қилди. Корея бирлашган демократик Ватан фронти Марказий комитети бу мурожаатида АҚШни Жанвада Корея масаласи устида бўлаётган музокараларни барбод қилганлиги учун қоралайди.

Бирлашган демократик Ватан фронти Марказий комитети Американинг Кореядаги сиёсатига тўхталиб, АҚШ Кореянинг сун'ий равишда парчаланганлигини мустаҳкамлашга ва Жанубий Кореяни абадий ўз мустамлакасига айлантиришга интилишгина қолмасдан, шу блан бирга, Жанубий Кореяда Корея Халқ-Демократик Республикасига ва Хитой Халқ Республикасига қарши агрессия учун плацдарм сифатида яна фойдаланишга ҳам интилмоқда, деб уқтириб ўтади.

Бирлашган демократик Ватан фронти Марказий комитети корейс халқини америка империалистларига ва Ли Син Маннинг хоинлар тўдасига қарши, Корея масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш учун курашга; бирлашган, демократик ва мустақил Кореяни барпо қилиш учун зўр бериб ҳаракат қилишга; Шимолий Корея блан Жанубий Корея ўртасидаги иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш учун интилишга; Кореядаги яраш битимини мустаҳкамлаш учун ва яраш битимидан мустаҳкам сулҳга ўтиш учун курашга; четэл қўшинларининг ҳаммасини Кореядан бир йўла олиб чиқиб кетишни талаб қилишга чақиради.

Черчилльнинг умум палатасида берилган саволларга жавоби

ЛОНДОН, 23 июнь. (ТАСС). Лондон радиоси қуйидаги хабарни билдирди: кеча Англия умум палатасида Черчилль ва Иденнинг Вашингтонга боражаги муносабати блан бирқанча саволлар берилган эди.

Бош министр Черчилль бу саволларга жавоб қайтариб дедики, Вашингтондаги музокаралар учун ҳечқандай муайян кун тартиби белгиланмаган. Бироқ, деди у, мен бу музокаралар вақтида ҳозирги вақтда катта аҳамиятга эга бўлган ҳамма масалалар юзасидан фикр олишувимизга ишонаман.

Черчилль, Вашингтон музокараларини ташкил қилиш ҳақидаги қарор Жанва кенгашининг барбод бўлганлигидан дарак беради, деган да'вони рад этди. Аслда, деди Черчилль, Вашингтон музокараларини ўтказиш ҳақидаги қарор 20 апрельда, ҳали Жанва кенгаши бошланмаган вақтда қабул қилинган эди.

Сўнгра Черчилль Совет Иттифоқи ҳақида (консерватив «Примроз лиг» ташкилотининг йиғилишида 30 апрельда. — Редакция) айтган дўстона сўзлари раҳбар совет доираларида яхши кутиб олинганлигини жуда мамнуният блан айтиб ўтди. Англия ҳукумати, деди у, Совет Иттифоқи блан муносабатларни яхшилаш учун биронта имкониятни ҳам қўлдан бой бермайди, албатта.

ҲИНДИСТОН ЖАМОАТЧИЛИГИ АМЕРИКА ЁРДАМИНИ ОЛИШГА ҚАРШИ ЧИҚМОҚДА

ДЕҲЛИ, 23 июнь (ТАСС). Ҳиндистон жамоатчилиги Американинг иқтисодий «ёрдами»ни қабул қилишга қарши чиқмоқда, бу ёрдам тўғрисида Америка Қўшма Штатларининг Деҳлидаги элчиси Аллэн кейинги вақтларда жуда кўп гапирмоқда. Деҳлида чиқадиган ҳафталик «Споксмэн» журнали ўқтириб ўтадики «Ҳиндистон бундан бўён Америка Қўшма Штатларидан ҳечқандай иқтисодий ёрдам олмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши керак... Биз ҳисоблаймизки, агар биз ўз ресурсларимизга таянадиган бўлсак, ҳатто моддий жиҳатдан ҳам катта натижаларга эришамиз».

Ҳиндистон ҳукумати АҚШ нинг бирқанча техника «мутахассислари» хизматидан воз кечди

ДЕҲЛИ, 23 июнь. (ТАСС). «Таймс Оф индиа» газетасининг хабардан ма'лум бўлишича Америка «мутахассислари»нинг Ҳиндистондаги шубҳали ишлари ҳукумат доираларида норозилик туғдирмоқда. Газетанинг қайд қилиб ўтишича, ирригация ва энергетика министрлигининг матбуот учун қилган баёнотига кўра, ҳукумат ё ба'зи контрактларнинг муддати тугаганлиги, ёки «бошқа муҳим сабаблар» блан бирқанча америка техника «мутахассислари»нинг хизматидан воз кечган.

ШАРҚИЙ ПОКИСТОНДА ҚУВҒУН

КАРАЧИ, 22 июнь. (ТАСС). «Морнинг ньюс» газетасининг Даккадаги мухбири берган хабарга қараганда, Шарқий Покистон ма'мурларининг вилоят ма'мурият аппаратини оммавий равишда тозалашга киришганликлари ишончли манба'лардан ма'лум бўлган. Энг муҳим саноат корхоналарида тузилган «ишчиларни ҳимоя қилиш комитетлари» деб аталган комитетларга илғор ишчиларни аниқлаш ва сўнгра ишдан бўшатиш вазифаси топширилган.

Мазкур мухбирга ма'муриятнинг юқори мансабдаги вакили айтишича, Даккa университетининг ўқитучилар ва ма'мурий ходимлар состави айниқса диққат блан тозаланади.

ЧЕТЭЛ НЕФТЬ МОНОПОЛИЯЛАРИНИНГ ЭРОНГА ТАЗ'ЙИҚИ

Эрон нефти ҳақидаги масала юзасидан музокараларнинг яна бошланишига доир

ТЕҲРОН, 23 июнь. (ТАСС). Эрон ҳукумати блан Эрон нефтини сотучи халқаро консорциум ўртасидаги музокаралар 22 июньда яна бошланганлиги муносабати блан Эрон матбуоти, консорциумдаги четэл нефть монополияларининг талаблари аслда ўзгармай қолди, деб ёзмоқда. Эрондаги «Ханданиха» журнали «Файнэншл таймс» деган инглиз газетасида босилган кичик мақолага асосланиб бундай деб ёзади: консорциум «Эрон нефть корхоналарини бошқариш устидан тўла контроль қилиб туриш ҳуқуқини» ўзида сақлаб қолади ва Лондонда олиб борилган музокаралар вақтида Америка компанияларининг вакиллари «нефть корхоналари устидан тўла контроль қилиб туриш ҳуқуқи берилмаса, нефть ҳақидаги масала юзасидан яна музокаралар олиб боришдан бош тортажакларини қат'ий равишда айтганлар».

Журналнинг уқтириб ўтишича, бу таклифлар «консорциумнинг нефть саноатини бошқариш ишига тўғридан-тўғри аралашувини» кўзда тутади ва консорциум «янги шаклдаги эски таклифларни» кўтариб чиқмоқда.

«Дод» газетасининг Лондон радиоси эшитдирган хабарга асосланиб ёзишича, консорциум делегациясининг бошлиғи Пейдж Теҳронга жўнаб кетиш олдидан Лондон аэродромида баёнот бериб, «нефть ҳақидаги масаланинг ҳал этилишига ишонсам ҳам, ҳарҳолда Эронга ҳечқандай имтиёзлар берилмаяжагини айтишим керак» деган.

СССР-АҚШ ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 июнь. (ТАСС). Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар шахмат командалари ўртасидаги мусобақанинг кейинги тўртинчи давраси олдидан кеча илгариги давраларда тамом бўлмай қолган ўйинлар давом этдирилди.

Денкер Бронштейнга қарши кечиктирилган ўйиннинг давом этдиришга келмади. Бу ўйинда совет гроссмейстерининг қўли баланд эди. Америка мастера енгилган деб ҳисобланди.

Геллер блан Горовиц ўйинни давом этдирмасдан дуранг қилишга рози бўлдилар.

Смислов Решевскийга қарши бўлган ўйинда ошиқча пиёдага эга эди. Лекин анализ қилганда, бу устунликнинг ғалаба қилиш учун кифоя эмаслиги аниқланди. Гроссмейстерлар 16 юришдан кейин дуранга рози бўлдилар.

Иккинчи даврада кечиктирилган ўйинда Р. Биринг ошиқча пиёдаси бор эди. Бу ўйин тўрт соат давом этди. Гроссмейстер Котов усталик блан ўйнаб, рақибининг ғалаба қозониш йўлидаги ҳамма уринишларини қайтарди ва ўйин 108-нчи юришда дуранг бўлиб тугади.

Р. Бирн блан Котов ўртасида учинчи даврада кечиктирилган ўйин охирги давраданкейин давом этдирилади. Бу давра 23 июньда ўйналади.

Тўртинчи давра олдидан мусобақа ҳисоби Совет Иттифоқи командаси фойдасига 15,5 : 7,5. Бир ўйин тамом бўлмаган.

Гроссмейстер И. БОНДАРЕВСКИЙ.

СУД ЗАЛИДАН

Савдогар жазоланди

Анвар Аловутдинович Мамажонов кўп йилдан буён қорадори, наша сотиш блан шуғулланиб келган. У илгари ҳам шу жиноят блан ушланиб, 1951 йилда суд ҳукми блан 5 йилга қамалган ва СССР Олий Совети президиумининг 27 март 1953 йилдаги амнистия тўғрисидаги Фармонига мувофиқ қамоқдан озод қилинган эди.

А. А. Мамажонов қамоқдан қайтиб келгач яна ўзининг эски савдогарчилик ишини давом этдирди. 1954 йил 16 февральда Москва-Ашхобод поездида Туркманистонга қора дори олиб кетаётганида Чоржўй станциясида қўлга тушди.

Тошкент область суди савдогар А. А. Мамажоновнинг жиноий ишини очиқ суд мажлисида кўриб, уни 7 йил ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига юборишга ва қамоқ муддатини ўтагач 3 йилгача Ўзбекистон территориясида яшашини тақиқлашга ва 3 йилгача сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга, мол-мулкини мусодара қилишга ҳукм қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 25/VI да **Қутлуғ қон**, 26/VI да **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 25/VI да **Олтин кўл**, 26/VI да **Муқимий.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «ЕШ ГВАРДИЯ», (кеч соат 10 гача), НАВОИЙ номли, СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА» (кеч соат 8-20 минутгача), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги рангли бадиий фильм **Мардлик мактаби.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Сепли тўй.**

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 да **ҳужжатли фильмлар.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Рақс ўқитучиси.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Қиз кўришишга ошиқмоқда.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Мардлик мактаби.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — 1) **3-нчи кинотўплам, 2) Селигер кўли.**

ПУШКИН номли — **сирли қурол.**

«ОКТЯБРЬ» — **Икки бойга бир қарол.**

1954 йил 30 июньда Қуёш тутилади

СССР Европа қисми территориясини кесиб ўтучи 150 километр чамаси кенгликдаги доирада 1954 йил 30 июньда табиатда жуда кам учрайдиган ҳодиса рўй беради — тўла равишда Қуёш тутилиши бўлади. Бу ҳодиса шундан иборатки, куппа-кундуз куни Қуёшнинг бети аста-секин қора доғ сингари бир нарса блан қопланабошлайди. Қуёшнинг бети тамом копланиб бўлгандан кейин бироз вақт ҳаммаёқни қоронғилик босади. Осмонда юлдузлар чарақлаб кетади, уфқни эса Қуёш ботгандан кейин ёки Қуёш чиқаётган вақтда кўринадиган сарғиш шу'ла ўраб олади. Усти бекилган Қуёш теварагида тожга ўхшаш жуда ғўзал шу'лалар пайдо бўлади. Бу шу'лалар Қуёш тожи деб аталади. Бирнеча минут, ба'зан эса бирнеча секунд ўтгандан кейин қорайиб турган Қуёшнинг бир чекаси очилиб, ундан ёруғ нур сочилабошлайди ва, шу блан бирга, Қуёш тожи ҳам кўринмай қолади. Шундан кейин Қуёш аста-секин очилабошлайди ва, ниҳоят, у ўзини қоплаган доғдан тамомила халос бўлади.

Қуёш тутилиши одамларга аллақачонлардан буён ма'лумдир. Жуда қадим замонларда, фан эндигина вужудга келаётган пайтларда одамлар Қуёш тутилишини ғайритабиий кучларнинг кўринаши деб ҳисоблар эдилар.

Аммо Қуёш тутилиши табиатнинг жуда нормал, табиий ҳодисаси бўлиб, унда ҳечқандай му'жиза бўлиши мумкин эмас. Нима учун Қуёш тутилади ва Қуёш тутилишини қандай қилиб олдиндан айтиб қўйиш мумкин, Қуёш тутилишининг қаерда кўринишини ва қачон тамом бўлишини қандай қилиб олдиндан айтиб қўйиш мумкин, деган саволларга фан аллақачонлар жавоб берган.

Қуёш тутилишлари чексиз Оламнинг бизга энг яқин қисмида рўй беради ва доимий ҳаракатда бўлган уч жисмнинг, я'ни Қуёш, Ой ва Ернинг бир-бирига нисбатан олган жойига боғлиқ бўлади.

Ма'лумки, бизнинг Еримиз шарсимон жисмидир. Ер шарининг диаметри ўрта ҳисоб блан 12700 километрга баравар, Ер экваторининг узунлиги эса 40000 километрчадир. Ер шари ҳамиша ҳаракат қилиб туради. Аввало у ўз маркази орқали ўтадиган ва Ер ўқи деб аталадиган тўғри линия теварагида айланади. Ер ўз ўқининг теварагида бир кеча-кундузда, я'ни 24 соат ичида тўла равишда айланиб чиқади. Шу туфайли кун ва тун ҳосил бўлади. Ер шарининг Қуёш ёритиб турган палласида кундузи, Қуёшга терс бўлган палласида эса тун бўлади.

Бундан ташқари, Ер Қуёш атрофида айланади. Ер Қуёш атрофини бир йил ичида тўла равишда айланиб чиқади. Қуёш блан Ер ўртасидаги масофа 150 миллион километрга баравардир. Қуёшнинг диаметри Ер диаметридан 109 баравар катта бўлиб. 1 миллион 400 минг километрга баравар. Қуёш устидаги температура 6000 градус эканлиги аниқланган.

Ой — бизга энг яқин бўлган осмон жисмидир. Ой блан Ернинг орасидаги масофа фақат 380 минг километр. Ой шарининг диаметри 3.500 километрга баравар. Шундай қилиб, ой Қуёшдан кўп марта кичик бўлиш блан бирга Ердан ҳам тўрт баравар кичикдир. Ер Қуёш атрофида айланганидек, Ой Ер атрофида айланади ва Ернинг атрофини бир ой ичида тўла айланиб чиқади.

Ой — қоронғилик босган жисмидир. Ойнинг ўз нури йўқ, балки у Қуёш нури блан ёришиб туради ва шу сабабли бизга кўринади.

Демак, Ер блан Ойни фақат Қуёш ёритиб туради. Ма'лумки, ҳарбир жисмнинг бир томонида нур бўлса, шу жисмнинг қаршисида бўлган томонга унинг сояси тушиб туради. Ер блан Ой ҳам жаҳон бўшлигида Қуёшдан нур олиб тескари томонга соя солиб турадилар. Ой Ер атрофида айланаётган вақтда ба'зан, янги ой туғилган пайтда Қуёш блан Ер ўртасига тўғри келиб қолади. Ана шунда ойнинг сояси Ер юзига етиб келади ва унинг 300 километрдан ошмайдиган кенгликдаги участкасини ой сояси бирмунча вақтгача қоплаб туради. Ой Ер атрофида ҳамавақт айланиб турганлиги сабабли унинг сояси ҳам Ер юзида ҳаракат қилиб туради. Ой сояси Ер юзига тушган жойларнинг ҳаммасида тўла равишда Қуёш тутилганлиги кўринади. Мана шу соя тушиб турган доира ичидаги кишига Қуёш тамомила қора доғ блан қопланган бўлиб кўринади. Тўла равишда Қуёш тутилганлиги кўриниб турган доирага яқин жойларда эса Қуёшнинг қисман тутилганлиги кўринади. Бундай ҳолларда Қуёш гардишини Ой тўла равишда эмас, балки қисман қоплаган бўлади.

Демак, Ой Ер атрофида ўз йўли блан айланаётган вақтда, ба'зан янги Ой туғилган пайтда, Қуёшни тўсиб қўяди ва шунинг натижасида Қуёш тутилиши ҳосил бўлади.

1954 йил 30 июньда тўла равишда Қуёш тутилган пайтда шу Қуёш тутилиши кўринадиган доира СССРнинг Европа қисми территориясини кесиб ўтади, деган эдик. Мана шу территорияда Қуёш тутилиши энг кўп деганда 153 секунд, энг кам деганда 105 секунд давом қилади.

Бутун Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда Қуёшнинг қисман тутилиши кўринади. Қуёшнинг қисман тутилиши Тошкентда соат 18 дан 44 минут ўтганда бошланиб, соат 20 дан 31 минут минут ўтганда тугайди. Қуёш тутилиши энг кучайган пайтда Ойнинг сояси Қуёш диаметрининг 0,8 қисмини қоплайди.

Қуёш тутилишини кузатиш илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Шу сабабли илмий муссасалар Қуёш тутилишини кузатмоқ учун олдиндан махсус экспедициялар тайёрлаб, бу экспедицияларни Қуёш тутилиши тўла равишда бўладиган жойларга юборадилар. 1954 йил 30 июньда тўла равишда Қуёш тутилиши бирқанча экспедициялар томонидан кузатилади. Бу экспедицияларга СССР Фанлар академиясининг махсус комиссияси раҳбарлик қилади.

Қуёш тутилишини ўн минглаб кишилар кузатади. Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, Қуёш тутилган вақтда уни фақат қорайтирилган шиша орқали кўриш керак. Қуёшга оддий кўз блан қаралган вақтда кўзга кўпинча зарар етади.

В. П. ШЧЕГЛОВ,
Физика-математика фанлари доктори.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 155, Саноат ва транспорт бўлими — 136, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 01771 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1361